


Баходир Ходиев, Людмила Голиш

**МУСТАҚИЛ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ**

(биринчи босқич талабаларига ёрдам тариқасида)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Баходир Ходиев, Людмила Голиш

**МУСТАҚИЛ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ**

(биринчи босқич талабаларига ёрдам тариқасида)

5-нашир

- ❖ Илмий адабиётларни ўқишиш
- ❖ Ахборотни ёзма равишда узатиш
- ❖ Ахборотни оғзаки равишда узатиш
- ❖ Таҳлилий маълумотларни кўргазмали тақдим этиш усуллари ва воситалари: график ташкил этувчилар
- ❖ Ҳамкорликдаги ўқишини ташкил этиш усул ва воситалари
- ❖ Муаммони жамоали тарзда ҳал этиш, уни ҳал этиш бўйича устувор ғояларни танлаш ва баҳолаш усуллари ва воситалари
- ❖ Амалий вазиятларни ҳал этиш услублари ва воситалари: кейс-стади
- ❖ Лойиҳалаштириш фаолияти услублари ва воситалари

Тошкент-2010

Ходиев Баходир Юнусович, Голиш Людмила Владимировна. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари (биринчи босқич талабаларига ёрдам тариқасида): Ўқув-услубий қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010. – 97 б.

Ушбу ўқув-услубий қўлланмада талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкиллаштиришнинг услублари ва воситалари очиб берилган: график ташкил этувчилар, қўшма ва ўзаро ўқув техникаси, лойиҳалаш фаолияти. Илмий адабиётларни ўқиш, маълумотларни оғзаки тақдим этиш, амалиёт ҳолатларни таҳлил қилиш ва ечиш бўйича тавсиялар берилган.

Китобда мустақил фаолиятни ташкиллаштиришдаги эҳтимолли хатоларнинг олдини олиш бўйича амалий маслаҳатлар келтирилган.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма нафақат бакалавриатнинг 1 босқич талабаларига балки магистрантлар, касб-хунар коллажлари, академик лицейлар умумтаълим мактабларининг юкори синф ўқувчилари учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Тақризчилар:

**А.Ш.Бекмуродов,
Б.Б.Усмонов,**

**и.ф.д., профессор
и.ф.н., доцент**

Таржимон:

Ш.Дадабоев

Сахифаловчи:

О.Турсунов

МУНДАРИЖА

	Талабаларга	5
1	Илмий адабиётларни ўқиши Ўқиши турлари ва қоидалари Китобда маълумотларга белги қўйиш усуллари Китоб, илмий журнал, илмий мақолалар ва тезислар тўплами билан ишлаш жараёнининг таркиби	9 9 10 11
2	Ахборотни ёзма равища узатиш: Илмий матн турлари • Конспект; • Реферат Ёзма ишлар: эссе • Беш дақиқалик эссе; Асосланган эссе Илмий тарздаги матнни ёзиш қоидалари	13 16 17 24 26
3	Ахборотни оғзаки равища узатиш Илмий тарздаги нутқ: тавсифий хусусиятлари Маъруза билан сўзга чиқиш Тақдимот (Хабар бериш)	28 29 30 33
4	Таҳлилий маълумотларни кўргазмали тақдим этиш усуллари ва воситалари: график ташкил этувчилар Жадваллар: <i>Инсерт, Тоифали, Концептуал, БББ, «Кластер» схемаси, Т-жадваллар, Венн диаграммаси, SWOT-таҳлил жадвали, «Кучлар таҳлили» графиги</i> Схема ва диаграммалар: «Нима учун?», «Қандай?», «Балиқ скелети», «Каскад», «Пирамида», «Нилуфар гули»	35 37 43
5	Ҳамкорликдаги ўқиши ташкил этиш усул ва воситалари Ҳамкорликдаги ўқиши: тамойиллари ва қоидалари Ўқув топшириғини бажариш бўйича ҳамкорликдаги ишни ташкил этиш «Appa» ўзаро ўқиши техникаси, «Биргаликда ўқиймиз», «Ўйланг-Жуфтликда ишланг-Фикр алмашинг» биргаликда ўқиши техникалари	50 51 52 54
6	Муаммони жамоали тарзда ҳал этиш, уни ҳал этиш бўйича устувор ғояларни баҳолаш ҳамда танлаш усуллари ва воситалари Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари • Баҳс; Музокаралар; Ақлий ҳужум; График ташкил этувчилар Муаммони ҳал этишнинг устувор фикрларни баҳолаш ва танлаш техникаси • Балли баҳолаш техникаси; Кундалик техникаси; 6–6 техникаси; Пинборд; • Дельфи	57 58 63 66
7	Амалий вазиятларни ҳал этиш услублари ва воситалари: кейс-стади Ўқув амалий вазият: тушунчаси ва мақсади Амалий вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этишнинг йўлланма кўрсатувчи чизмаси Амалий вазиятнинг босқичма-босқич таҳлил қилиш ва ечиш йўриқномаси Амалий вазиятни таҳлил қилиш қоидалари	68 69 71 72 73
8	Лойиҳалаштириш фаолияти услублари ва воситалари Ўқув фаолиятининг лойиҳалаштириш усули: тушунчаси, долзарблиги ва усул вазифалари Ўқув лойиҳалари турлари • Тадқиқот лойиҳаси; • Танишув-таҳминий лойиҳа; • Амалий мўлжалланган лойиҳа Ўқув лойиҳасини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, тақдим этиш ва баҳолаш жараёни • Ўқув лойиҳасини босқичма-босқич бажариш йўриқномаси; Ўқув лойиҳасини баҳолаш; • MS PowerPointда ўқув лойиҳаси тақдимотини тайёрлаш бўйича йўриқнома	74 75 77 78 79 80 81 84

Талабаларга

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети ўқитувчилари ўқув фанлари бўйича яхлит таълим технологияларини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш ишларини кенг қамровли олиб бормоқдалар.

Муаллифлар томонидан тақдим этилган таълим технологияларида янги ўқитиш модели қўйидагиларга асосланган:

- таълимнинг ҳар бир шахсга йўналтирилганлик ва тизимли ёндашув, таълим субъектлари муносабатларини демократлаштирилиши ва инсонпарварлаштирилишига;
- таълимда талабалар роли ўзгаришига: ўқув фаолиятини мустақил олиб борувчи таълим жараёнининг teng хукукли субъекти;
- таълимда ўқитувчининг роли ўзгаришига: мустақил ўқув фаолиятининг ташкилотчиси, талабаларининг саводли маслаҳатчиси ва ёрдамчиси. Талабалар билими, кўникмалари, маҳоратларининг назоратини ҳамда эҳтимолли оғишларни ўз вақтида тӯғрилаш мақсадида уларнинг билим даражаси диагностикасини таъминлайди;
- таълимнинг услублари ва воситаларининг ўзгаришига: (1) муаммоли ҳолатлар, фаол ижодий-тадқиқий фаолиятни яратишга асосланган, муаммоларни қидириш ва ечиш, билимларни амалда қўллашга йўналтирилган фаол ва интерфаол усуллар анъанали бўлиб қолмоқда; (2) жамоа ва гурух ишлари кенг қамровли таълим шаклига нисбатан кўпаймоқда; (3) ахборот технологиялари таълимнинг анъанавий воситалари билан бир қаторда кенг қўлланмоқда; ўқув материаллари таълим олаётганлар томонидан билимларни мустақил қидириш учун фойдаланилмоқда;
- педагогик бошқариш услублари ва воситаларининг ўзгаришига: ўқитувчи муаммоларни аниқлашга, ғояларни регенерация қилишга, қарорларни қабул қилишга қодир ва уларнинг амалга ошишига масъулдор менежерга айланмоқда. У нафақат педагогик балки талабаларнинг ўқув фаолиятини ҳам башоратлайди, лойиҳалаштиради ва режалаштиради, яъни қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва ўқув фаолиятининг режалаштирилган натижаларига эришиш бўйича қўшма фаолият тизими ва мазмунини ишлаб чиқади, башоратлаш, лойиҳалаштириш ва режалаштиришда ва ўқув фаолиятини ташкиллаштиришда талабаларни қўллаб-қувватлайди, таълим жараёнини ўқув диалоги ва полилоги сифатини тузади.

Шу билан бирга, ўқитувчилар – лойиҳалаштирувчилар талабаларнинг янги таълим моделлари бўйича қурилган таълим жараёнига тайёр эмаслигига дуч келашиади. Бу талабаларнинг таълим субъекти сифатида таъсир этмаслигига ва ўқитувчилар томонидан таклиф этиладиган ўқув фаолиятининг услугуб ва воситаларини амалий қўллаш қўникмаларининг йўқлигига намоён бўлади.

Шу муносабат билан замонавий педагогика технологияларини амалга ошириш шароитларида биринчи босқич талабалари қуидаги қўникма ва маҳоратларни эгаллаб олишлари зарур:

(1) *лекция, семинар ва амалий машгулотларда мустақил фаолият кўникмалари*: асосий қоида ва хулосаларни қисқа, чизма шаклида ва кетма-кет ёзиб бориш, ўқув вазифалари ва масалаларини ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни топиш, билиш, тушуниш, танқидий баҳолай олиш ва етказиб бериш, ҳамда белгилар ва рамзлар ёрдамида уни реферат, ҳисбот шаклига келтира билиш; қўйилган талабларга мувофиқ ўз матнини тузга олиш. Бу эса талабанинг Инсерт, Тоифали шарҳ қуриш каби таълим услуб ва воситаларини амалга оширишга фаол иштирок этишига, маълумотларни тизимлаштириш ва тизимдан чиқариш, таҳлиллаш ва қиёслашга, ўрганилаётган тушунчалар (вокеалар, ҳодисалар, мавзулар ва бошқалар) ўртасидаги алоқалар ва ўзаро алоқаларга, кластер, тоифали жадвал, концептуал ҳарита, SWOT, Т-жадвал, Венн диаграммаси, пирамида, балиқ скелетидан фойдаланган ҳолда муаммони ҳал этишни режалаштиришга тайёр эканлигидан ва асосланган эссе ва ўқув лойиҳаси бажарилиши тўғрисида ҳисбот ёза олишига далолат беради;

(2) *тақдимот кўникмалари*: чиқиши вақтида, шу ҳисобда ўқув топшириги бажарилиши натижалари бўйича, сиз ўзингизни ўқитувчи ва бошқа талабалар билан ишончли тута оласиз ва ҳар хил воситалардан фойдалана оласиз;

(3) *коммуникатив кўникмалар*: ўқитувчи ва талабалар ўртасида ўқув муносабатларини яратади олиш хусусияти, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш ва муросага келиш, диалогга қўшилиш, моҳияти бўйича савол бериш, асосланган жавобларни бериш, қоидага риоя қилган ҳолда баҳсласиши, музокаралар ва давра сухбатларида катнашиш;

(4) *ҳамкорликдаги ишлар кўникмалари*: гурӯҳ билан ҳаракат қилишга тайёр бўлиш – ўқув топширигини бажариш бўйича қўшма фаолиятни жамоали режалаштириш, умумий масалаларни ечишда ҳамкорлик қилиш, ишбилармон шерикчилик ва ўзаро алоқада бўлиш;

(5) *муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиши кўникмалари, ўқув вазифасини ечиши, гояларни генерация қилиши ва қарорларни қабул қилишининг ностандарт усулларини топиш*, бу ўз навбатида сизнинг муаммоли лекция, таҳлилда ва ўқув ҳолатларини (Кейс стади) ҳал этиш фаол иштирокингизни таъминлайди.

(6) *маълумотларни қидириши, ийгиши, ишилов бериши ва сақлаши* учун замонавий компьютер ва ахборот технологиялардан фойдалана олишининг амалий кўникмалари: мустақил иш натижаларини безаш бўйича ўқув топшириқларини бажариш (нутқлар, рефератлар, ўқув лойиҳалари ва бошқалар).

Замонавий таълим технологиялари шароитида Сиз ўқув фаолиятига қачон, қаерда ва қандай тайёрланасиз?

Биз, мазкур ўқув-услубий қўлланма муаллифлари учун бу жавоб битта: *биринчи семестр арафасидаги тренинглар давомида*. Бунинг сабаблари:

(1) Сизлар, биринчи курс талабалари, асосий ўқув курслари бошланишидан олдин аниқ ва қонуниятли далил сифатида ўзингизнинг фаол иштирокингизни англашингиз зарур.

(2) Сиз янги стратегияни яхшироқ тушунишингиз учун уни бошдан кечиришингиз, моделлаштирувчи ўкув машғулотларидан бевосита тажриба орттиришингиз зарур.

Китоб 8 бобдан иборат. Ҳар бир боб ўкув ахбороти ва материалнинг маълум қисмини ўзлаштиришга якуний натижа берувчи мустақил иш топшириқларидан иборат.

Матнда қўйидаги шартли белгилар келтирилган:

- Бобнинг мақсади
- Асосий тасниф ва тушунчалар
- Амалий маслаҳат ва тавсиялар
- ? Фикрлаш учун саволлар
- Мустақил ишлаш учун топшириқлар

Қўлланма аввало биринчи босқич талабаларига мўлжалланган, аммо ундан магистрантлар, юқори босқич талабалари, касб-хунар коллеклари, академик лицейлар ва умумтаълим мактабларининг юқори синф ўкувчилари фойдаланиши мумкин.

Муаллифлар уларнинг талаба ёшлар билан ишлашнинг тажрибалари ушбу қўлланмани ёзишга катта ёрдам берганлиги ва уларнинг касб эгаллаши йўлида муваффақиятли қадам босишларига ёрдам беради деган умидда.

Фикр ва мулоҳазаларингиз учун миннатдорчилигимизни билдирамиз.

ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАРНИ ЎҚИШ

1



- ❖ **Ўқиши турлари ва қоидалари**
- ❖ **Маълумотларга белги қўйиш усуллари**
- ❖ **Илмий журнал, илмий мақолалар ва тезислар тўплами билан ишлаш жараёнининг таркиби**
- ❖ **Китобнинг таркибий аппарати**

ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАРНИ ЎҚИШ

□ Ушбу бўлимда сиз илмий адабиётларни қай тарзда ўқиши ва у билан қандай ишилаш тартиби билан танишасиз, яъни ўзингизнинг илмий қизиқишиларингиз ва тадқиқот мавзуларингиз бўйича зарурий материалларни танлаб олиш ва ўрганиши, ўз билимингиз доирасини кенгайтириши, шахсий илмий дунёқарашибингизни кенгайтириши мақсадида китоблар, журнallар, илмий мақолалар тўплами билан ишилаш тартиби билан танишасиз.

|| **Ўқиши** – нутқ фаолиятининг мураккаб тури бўлиб, у 2 жиҳатга эга:
техник жиҳати – ўқиши ва тез ўқиши кўникмаларини эгаллаш ва
ижодий жиҳати – матндан зарур маълумотни танлаб олиш.

ЎҚИШ ТУРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

Ўқиши турлари

Мазмунни ўзлаштириш даражаси бўйича қуйидаги ўқиши турлари ажратилади:

кўриб чиқиладиган ўқиши – умумий таассуротга эга бўлиш учун;
танишув ўқиши – умумий мазмунни тушиниш учун;
ажратув ўқиши – маъносини чуқур тушиниб олиш учун

|| **Кўриб чиқиладиган ўқиши** одатда танишув ва ўрганув ўқишдан олдин амалга оширилади. Китоб мазмуни, унинг боблари ва параграфлари, асар муаллифи билан танишиш зарурати бўлганда фойдаланилади.

Кўриб чиқиладиган ўқиши жараёнида одатда титул варағи, мундарижа, айрим хат боши ва гаплар ўқиб чиқилади. Ушбу маълумотларнинг ўзи шу манба қай даражада кераклигини ҳал этишга ёрдам беради

Танишув (танлов) ўқиши бир неча манбалардан маълум саволларни ажратиб олиш, шунингдек олинган маълумотларни таққослаш ва солиштириш, ушбу масала бўйича ўз қарашини ишлаб чиқиши учун ишлатилади.

Ўрганув ўқиши – ўқишининг фаол тури. Сиз эътибор бериб, маълумот устида тўхталиб ва ўйлаб ўқиганингизда фойдаланилади. Матндаги бош фикрни, унинг мақсадини, исботлар мантиқини тушиниб олиш, сизнинг олдингизга қўйилган саволларга жавоб қидиришга мўлжалланган. Ушбу ўқиши тури материални ўрганишда кетма-кетликни талаб қиласи (параграфлар, боблар, қисмлар бўйича), матн ҳақида шахсий фикрни тузишга йўллайди, маълумотни танқидли қабул қилиш кўникмасини шакллантиради.


Илмий адабиётларни ўқиши тартиби

1. Ўқиши жиддий ва чуқур фикрли бўлмоғи лозим.

2. Қуидагилар зарур
 - *үқиб чиқылған материалларни таұліл қилиш,*
 - *тушунарсиз атама ва тушунчалар мөхиятини аниқлаш,*
 - *сиз учун мұхим бўлган саволларга жавоб ахтариши.*
3. Сизнинг илмий ишиңгиздаги сиз учун керак бўладиган барча нарсаларни: қизиқарли фикрлар фактлар, рақамлар, ҳар хил қарашларни қўчириб олмоқ зарур бўлади.
4. Ўқиши жараёнида сиз томонингиздан олинган маълумотларни баҳолаши зарур, унга танқидий нуқтаи назардан қарамоқ, шунингдек сизнинг тадқиқотингиз учун мұхимлиги нуқтаи назаридан баҳоланмоқ зарур бўлади.

Ўқишида у ёки бу материалларга ҳар хил йўллар билан белги қўйиш тавсия этилади.


Китобда маълумотларга белги қўйиш усуллари



? Китобда маълумотларга қандай белги қўйиш усулларидан сиз фойдаланасиз? Сизда алоҳида белги қўйиш тизими мавжудми?


Сиз ўзингиз учун алоҳида белги тизимини яратишга улгурмаган бўлсангиз, бу ҳақда ўйлаб кўринг ва ўзингиз лозим топадиган бир қанча қулай усулларни таклиф этинг.

Китоб, илмий журнал, мақолалар тўплами, тезислар тўплами билан ишлаш жараёнининг таркиби



Китобнинг таркибий аппарати

Китоб билан ишлаш маҳорати қўп жиҳатдан унинг таркибий элементлари ҳақида билимга эга бўлиш ва ролини тушиниш, уни ўқишгача китоб ҳақида зарурий маълумотни чиқариб олиш маҳоратига боғлиқ бўлади.



Сарлавҳа: илмий адабиётларда мавзуга урғу берилади

Аннотация: титул варафи орқасида жойлашган; қай йўналишга қаратилганлиги кўрсатилган мазмуннинг қисқартирилган тавсифи

Мундарижа: мавзу режаси, китоб бўйича йўл кўрсатувчи

Сўз боши: муаллиф томонидан қўйилган вазифалар баёни; нашр ёки қайта нашр этиш зарурлиги

Хотима: қисқача хulosалар

Маълумотлар: тушунтириш талаб этиладиган тушунча, атама, фактларга изоҳ

1. Битта илмий китобни танланг, унинг таркибий аппаратини ўрганинг. Китоб мазмуни ва таркиби ҳақида ўзингизнинг фикрингизни билдиринг.

2. Тўплам ёки журнални танланг. Шарҳ беринг. Шарҳда қуйидаги ҳолатларни қайд этинг:

1. Тўплам, журнал номланиши; ихтисослиги.
2. Нашриёт.
3. Чиқиш даврийлиги. Шу каби нашрлар ўртасида унинг ўрни.
4. Бўлимлари, мавзулари.
5. Чоп этилган материалларнинг ажралиб турадиган жиҳатлари.
6. Энг қизиқарли ишлар, уларнинг муаммо доираси.
7. Таҳлил қилинаётган нашрни баҳолаш.

АХБОРОТНИ ЁЗМА РАВИШДА УЗАТИШ

2



- ❖ Илмий матн турлари
 - Режа
 - Конспект
 - Реферат
- ❖ Ёзма ишлар: эссе
 - Беш дақиқалик эссе
 - Асосланган эссе
- ❖ Илмий күринишдаги матиларни ёзиш


МАТННИ ЁЗИШ



Уибү бўлим ёзма шаклда маълумотни узатиш хусусиятлари ва қоидаларига бағишиланади.

Хат – оғзаки фаолиятнинг сермаҳсул тури бўлиб, мулоқот ҳолатига мос келадиган ахборотни узатиш ёзма шаклини ўзига мақсад қилиб қўяди, гаплашиш механизмига эга бўлади

ИЛМИЙ МАТН ТУРЛАРИ





Режа

Режа – энг қисқа ёзма матн:

- фикрлар кетма-кетлигини ўзида мужассам этади ва умумлаштиради;
- матн мазмунини очиб беради;
- манба мазмунини хотирада тиклайди;
- конспект ва тезислар ўрнини босади;
- хар хил турдаги ёзишмалар, маъруза, хабарнома, ҳисбот тузишга ёрдам беради;
- амалдаги ёzmани яхшилайди;
- ўз-ўзини назорат қилишни тезлаштиради;
- эътиборнинг бир нуқтада бўлишилигига ва машғулотларни рағбатлантиришга имкон беради;
- яхши таниш матннинг хотирада пайдо бўлишида фойдаланилади.

ЛЕКИН: ҳақиқатдаги мазмунни узатмайди, фақат унга йўналиш беради ва узатиш схемасини кўрсатади.



Матнни ўқинг. Асосий фикрни ifoda этадиган ҳар бир хат боши учун савол тузинг. Оддий ёки мураккаб матн режасини режасини тузинг. Тушунтиринг. Нима учун ушбу ҳолатда у ёки бу турдаги режа танлаб олинди?

Режа қисмларини тузилган саволлар билан солиштиринг. Шакл ва мазмун бўйича улар ўртасида қандай фарқланиш мавжуд?


КОНСПЕКТ

- режа, кўчириб олинган матн ва тезисларни бирлаштириш тушунилади;
- ифоданинг ички мантиқини кўрсатади;
- асосий хулоса, фактлар, исботлар, услубларни ўзида мужассам этади;
- материалга бўлган унинг тузувчиси муносабатини акс эттиради;
- фақатгина тузувчи эмас, балки бошқа китобхон томонидан ҳам фойдаланиш мумкин.



Kўп сўзлардан, ортиқча иқтибос (цитата) келтиришдан, мантиқка зарар келтирувчи матн стилистик хусусиятларини саклашига ҳаракат қилишидан эҳтиёт бўлинг.

Ўқилгандан сўнг матнни конспектлаш усуллари



1-вариант

Таянч сўзлар	Моҳият, асосий фикр	Асосий фикрни очиш	Хулоса, саволлар, шахсий муносабат

2-вариант

Асосий саволлар	Саволларни очиб бериш

?

Бу каби конспектлаш нима беради? Ўзингиз учун қандай шаклдаги конспектлашни танладингиз?



Ҳар хил кўринишдаги конспектларга ўзингизнинг талаб доирангизни аниқланг: режали, матнли, эркин, мавзули (шарҳли ҳамда хронологик). У ёки бу турдаги конспектга зарурият нима билан тушунирилади?

РЕФЕРАТ

Реферат – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларидан бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, реферат янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиширишда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Шундай қилиб, *рефератлаштириш ўзида бир ёки бир қанча манбаларни турлаштириш, умумлаштириш, таҳлил ва синтез қилишига асосланиб маълум бир саволни ифода этишини мужассам этади.*


Реферат – ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солишириш ва таҳлил қилиш кўнимасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишдаги тақдимотидир.



Рефератнинг хусусияти:

- муфассал исботлар, солиширмалар, муроҳазалар, баҳоларни ўз ичига олмайди
- матнда янги, муҳим саволларга жавоб беради.

Реферат турлари



Реферат ифода этилаётган саволга референтнинг субъектив қарашларини ҳамда матнга баҳо берини ўзида мужассам этмаслиги лозим.



*Реферат асосий эътиборни янги маълумотларга қаратади ва дастлабки
матнга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқлигини аниқлаб беради!*

Ўқув фани бўйича реферат тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни
назарда тутади:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини
чукурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни
ижодий қўллаш кўникмасини ҳосил қилиш.
- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда
уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш.

- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли хулоса ва таклифлар қилиш.

- Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларини ривожлантириш.

Реферат оддий тарзда материалларни кўчириши, бир ёки бир нечта манбалар материалларини ўғирлаб кўчириши билан ҳеч қачон муросаса қилмайди. Унда муаллиф томонидан адабиётни ўрганиш орқали ўз фикрлари, қарашлари, хулоса ва таклифлари аниқ тарзда ифода этилиши лозим.

Реферат устида ишлаш тартиби

1. Мавзуни танлаш

Кафедра томонидан таклиф этиладиган реферат мавзулари мисол тарикасида бўлади. Ўзингиз шахсий қизиқишингиз ва майлингизга жавоб берадиган мавзу танлашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Ўзингиз қизиқишингиз доирасида, танланган муаммо ва уни асослашга таяниб кафедра таклиф этган мавзуга кирмаган реферат мавзусини тақдим этишингиз мумкин. Ушбу ҳолатда таклиф этаётган мавзунингизни қатъий равишда илмий раҳбарингиз билан келишиб олишингиз зарур бўлади.

2. Тайёрлов босқичи: асосий манбаларни ўрганиш

Реферат мавзусини танлаганингиздан сўнг (1) танланган мавзуга оид саволлар доираси билан танишинг:

- маъруза материалларини қараб чиқинг;
- фан бўйича ўқув дастурида ушбу мавзуни ўрганиш учун тавсия этилган адабиётлар билан қайтадан танишиб, уларни таҳлил қилинг.

Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.

(2) ТДИУ ахборот-кутубхона мажмуаси, шунингдек Тошкент шахри кутубхоналарида мавжуд бўлган каталоглардан фойдаланган ҳолда реферат мавзуси бўйича адабий манбалар доирасини кенгайтиринг.

Ўқув ва монографик адабиётлар билан бир қаторда қуйидаги даврий ойлик журналларда: «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», «Маркетинг», «Лизинг ревю», «Бозор, пул ва кредит», «Компания», «Эксперт», «Секрет фирмў», «Деньги», «Искусство управления», «Экономист», «Проблемў теории

и практики управления», «Вопросы экономики» ва шу кабиларда чоп этилган илмий мақолалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Реферат сифатини оширишда мавзуга тааллуқли Ўзбекистон Республикасининг қонуний хужжатлари ҳамда ҳукумат қарорларидан фойдаланиш ҳам муҳим ўрин тутади.

Ишнинг дастлабки босқичи якуни бўлиб библиография хизмат қиласди.

3. Зарурый материалларни конспектлаш

4. Тадқиқот муаммоси мантиқини яратиш, реферат режасини тузиш

Реферат режаси қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- илова (зарурат бўлганда).

Реферат режаси танланган мавзуга тааллуқли ва унинг асосий мазмунини қамраб оладиган саволлар доирасини аниқлайди. У референтга мавзу материалларини йиғишида умумий йўналишини олишга имкон беради, унинг тўғри танланиши ва ифода этилишини таъминлайди.

Пухта ўйлаб чиқилган, ҳар бир қисми танлаб олинган материал билан таъминланган режа – рефератни муваффақиятли ёзиш муҳим асосидир.

Рефератнинг асосий қисмини ўз лўнда ва аниқ номига эга савол ва кичик саволчалар (қисмчалар)га бўлиб чиқши зарур.

5. Йиғилган материални тартиблаштириш ва ёзиш



Кириш қисмida назарий ва амалий жиҳатдан мавзунинг долзарблиги асосланади, мақсадлар шакллантирилади ва вазифалар белгиланади.

Агарда реферат монографик (битта манба ва муаллиф рефератлаштирилса) кўринишда бўлса, кириш қисмida:

- муаллиф ҳақида қисқача маълумот (илмий даражаси, унвони, унинг мутахассислиги, бошқа ишлари);
- мавзу манбасининг қисқача баёни;
- иш мақсади;
- рубрикаси;
- муаллифнинг тутган ўрни ва бошқалар келтирилади.

Реферат асосий қисмida барча муҳим фикрлар акс эттирилиши зарур.

Режага биноан, рефератнинг асосий қисми йигилган материални тақсимлашга кўра мос равища саволлар ва саволчаларга (қисмларга) ажратилиши талаб этилади.

Ҳар ажратилган савол, саволча (қисм), рефератни таркибий қисмларга ажратиш бутунлигича қўйидаги формула асосида бўлиши лозим: вазифа-ишиланма-хулоса.

Ифода шакли – референт танлови: конспект шаклида, фрагментли, таҳлилий.

Адабиётларни аннотация йўлига сакрашга йўл қўйилмайди. Ҳар бир манба тадқиқот қилинаётган мавзу доирасидагина таҳлил қилинмоғи лозим бўлади.

Реферат матнидаги ибора ва сўз бирикмалари намуналари

« ... ишда ... тизим қараб чиқилади»
«Кириш қисмида кўрсатиладики, яъни ... »
«Муаллиф шуни назарда тутадики, яъни ... »
«1-бобда қўйидаги саволлар ёритилади ... »
« ... 2-бобда тадқиқ этилади»
« ... ҳақда гапириб, муаллиф таъкидлайдики, ... »
«Ишда шунингдек қўйидагига эътибор қаратилади ... »
«Шундай қилиб, муаллиф ... деган хулосага келади»
«3-бобда ... татқиқ этилади, ... қараб чиқилади»
« ... зарурати аниқланадики ...»
«Хулосада муаллиф шундай ёзади: ... »

Материални ифода этиш тавсифий характерга эга бўлмаслиги керак. Мос равища хулосалари бўлган таҳлил, шунингдек матн билан узвий боғланган статистик материаллар таҳлили бўлмоғи лозим.

Катта ҳажмли статистик маълумотларни жадвал ҳолига келтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Статистик маълумотлар асосида диаграммалар, графиклар, гистограммалар қуриш у ёки бу ижтимоий-иктисодий ҳодиса ва жараёнларни тушунарлироқ ифода этишга ёрдам беради.

Барча рефератда келтириладиган жадваллар, диаграммалар, графиклар, схемалар, расмлар номланиши ва тартиб рақами қўйилиши керакdir. Улар тагига ушбу статистик маълумотлар олинган манбалар бетлари ҳам кўрсатилган ҳолда қўйилиши қатъий талаб этилади.

Матнда келтириладиган барча рақамлар тегишли манбаларга ҳаволаларни келтирилиши талаб этилади.

Матнда иқтибос келтирилса ёки муаллифлар илмий-тадқиқот ишларидаги хулосалар, қайдлар, муроҷаза ва фикрлардан фойдаланилган ҳолатда муқаррар равища ҳаволалар бўлиши лозим.

Реферат қадр-қиммати муаммоли саволлар бўйича ҳар хил қарашларни таҳлил қилиш, қабул қилинадиган ёки ўзининг тутган мавқеини асослаш саналади.

Хулоса танланган мавзуни ўрганиш натижасида талаба қилган хулосаларни ўз ичига олади, шунингдек, ҳал этилмаган ва келгусида ҳал этилиши талаб этиладиган саволларга бағишиланади.

6. Адабиётлар рўйхатини расмийлаштиришни текшириш

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати маълум бир тартиб асосида тузилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари;
2. Ўзбекистон Республикаси Фармонлари;
3. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари;
4. Меъёрий актлар, кўрсатмалар;
5. Даврий нашрларда чоп этилган китоблар, мақолалар.

Манбалар библиографик қайдида қўйидагилар кўрсатилади: муаллиф исми ва шарифи, китоб номи, чоп этилган манзилгоҳи, нашриёт номи ва чоп этилган йили. Агарда мақола журнал (газета) да чоп этилган бўлса, журнал (газета) номи, тартиб рақами ва йили, бети келтирилади.

7. Матнни таҳрир қилиш. Матнни имло ва стилистика нуқтаи назаридан текшириш

Реферат равон тилда аниқ ёзилган бўлиши ва жалб этадиган кўринишга эга бўлмоғи лозим. Сўзлар қисқартирилишига, фақат умумий қабул қилинганлардан ташқари, шунингдек, хатоликларга, тушунарсизликларга, стилистик тафовутларга йўл қўйилмайди.

Реферат илмий раҳбарга тақдим этилиши ҳолатида барча тарафлама максимал даражада меъёрига етказилган бўлмоғи лозим.

8. Рефератни расмийлаштириш

Илмий раҳбарга тақдим этиладиган реферат компьютерда 12-шрифт, 1,5 интервал оралиғида А4 шаклидаги қоғознинг бир томонида чапдан – 2,5 см, ўнгдан – 1,5 см, юқори ва пастидан – 2 см дан кам бўлмаган ҳошия қолдирилган ҳолда терилиши талаб этилади.

Матн саҳифалари тартиб рақамларига эга бўлиши лозим. Тартиб рақамлари бир варагдан иккинчи варагча ўтадиган ва 3 бетдан бошланиши (биринчи ва иккинчи вараг - бу титул вараги ва иш режаси бўлиб, номерланмайди) лозим бўлади.

Вараг тартиб рақами юқорига ўртадан ёки ўнг томонга қўйилади.

Реферат ҳажми 16-20 бетдан ошмаслиги лозим.

Реферат қўйидагилардан:

- 1) титул вараги;

- 2) ҳар бир савол, саволча (қисм) варағи тартиб рақами күрсатилған иш режаси;
- 3) кириш, тартиб рақами қўйилмайди;
- 4) манбаларга ҳаволалар келтирилған савол ва саволчаларга (қисмларга) бўлинган матн ифодаси;
- 5) хулоса, тартиб рақами қўйилмайди;
- 6) фойдаланилған адабиётлар рўйхати;
- 7) жадвал, диаграмма, график, расм ва схемалардан ташкил топган иловадан ташкил топади.

Иловалар қаъий кетма-кет тикилади.

Рефератни баҳолаш

Реферат илмий раҳбар томонидан баҳоланади. Бунда қуйидаги шартли равишдаги кўрсаткич ва баҳолаш мезонлари қўлланилиши мумкин:

Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
1.1. Рефератлаштирилған матн янгилиги Максимал баҳо – 20 балл	<ul style="list-style-type: none"> - муаммо ва мавзуу долзарблиги; - муаммо қўйилиши янгилилиги ва мустақиллилиги, муаммо таҳлили учун танланган янги жиҳатлар шакллантирилиши; - муаллиф мавқеи мавжудлиги, мулоҳаза юритишдаги мустақиллиги
1.2. Муаммо моҳияти очиб берилиши даражаси Максимал баҳо – 30 балл	<ul style="list-style-type: none"> - реферат режасининг мавзуга мослиги; - мавзуу мазмунининг реферат мавзуси ва режасига мос келиши; - муаммо асосий тушунчаларининг тўлиқлиги ва очиб берилиши доираси; - материаллар билан ишлаш услуб ва усууллари асосланганлиги; - адабиёт билан ишлаш маҳорати, материаларни тизимлаш ва тартиблаштириш; - қараб чиқилаётган масала бўйича ҳар хил қарашларни умумлаштириш, солишириш бўйича кўникма, асосий мулоҳаза ва хулосаларни далиллаш
1.3. Манбаларни танлашни асосланганлиги Максимал баҳо – 20 балл	<ul style="list-style-type: none"> - муаммо бўйича адабий манбаларни доираси, улардан фойдаланиш тўлиқлик даражаси; - муаммо бўйича энг янги манбани жалб этиш (журналда чоп этилган, илмий ишлар тўпламлари ва бошқалар)
1.4. Расмийлаштириш қоидаларига амал қилиш Максимал баҳо – 15 балл	<ul style="list-style-type: none"> - фойдаланилған адабиётларга тўғри ҳавола қўйиш; - ифода тўғрилиги ва маданияти; - муаммо атамалари ва тушунчалар аппаратидан самарали фойдаланиш; - реферат ҳажмига қатъий риоя қилиш; - расмийлаштириш маданияти: хат бошиларни ажратиш
1.5. Равонлик, саводлилик Максимал баҳо – 15 балл	<ul style="list-style-type: none"> - орфографик ва синтактик хатоликлар бўлмаслиги, стилистик тафовутлар йўқлиги; - хатоликлар, қисқартирилған сўзлар, умумий қабул қилинганидан ташқари, бўлмаслиги; - адабий тарз

Пировардида реферат 100-балли тизимда баҳоланади ва 5-балли билимни баҳолаш қуйидагича амалга оширилади:

86-100 балл – «аъло»

70-85 балл – «яхши»

51-69 балл – «ўрта»

51 баллдан паст – «қониқарсиз»

Дастурда кўзда тутилган материалдаги билимни кундалик баҳолашда баллар ҳисобга олинади.

- 1. Ўқитувчи билан маслаҳатлашиб, реферат мавзусини танланг.
- 2. Танланган мавзу бўйича библиография тузинг.
- 3. Танланган иш юзасидан тадқиқот иши олиб боринг. У бўйича режа ёки конспект кўринишида ёзувни амалга оширинг – ўзингиз учун мақбул вариандаги ишчи ёзувни танланг.
- 4. Танлаб олинган материаллардан фойдаланиб, барча талабларга биноан реферат ёзинг.

ЭССЕ

Эссе – таклиф этилган мавзуга 1000 дан 5000 гача сўз ҳажмидаги иншо.

Эссе – бу муаллифнинг таъкидлаб ўтадиган индивидуал позициясидаги эркин ифода этиш шакли; қандайдир предмет бўйича умумий ёки дастлабки дунёқарашни ўз ичига олади.

Беш дақиқалик эссе

Беш дақиқалик эссе – ўрганилаётган мавзу бўйича олинган билимларни умумлаштириш, мушоҳада қилиш мақсадида ўқув машғулотида охирида 5 дақиқа оралиғида олиб борилади.

Ўқитувчи таклиф этиши мумкин:

- «Мен бу ... ҳақида нимани ўйлайман» ёки «Нима учун, менинг фикримга кўра ...» саволларига жавоб беринг;
- ўқув машғулотида берилган талабалар учун янги саналган ғояни тавсифлаш ва шарҳлаб бериш;
- олинган билим, кўникмалар қаерда амалиётда қўлланилишини тавсифлаш.

Ушбу кўринишдаги эссе баҳоланмаслиги ҳам мумкин. Аммо, ўқитувчи жуфтликларга ажralиш, ишлар билан ўзаро алмашиш ва ёзилганларни муҳокама қилиш таклифини бериши мумкин. Ушбу ҳолда ўқитувчи 2-3 та эссени танлаб текшириши мумкин, уларни овозини чиқарган ҳолда шарҳлаши, талабалар билан муҳокама қилиши ва хулоса қилиши мумкин.

Асосланган эссе

Асосланган эссе - қўйилган саволга асосли жавоб келтирилган ёзма ишдир. Муаллиф маълум бир позицияни эгаллайди ва уни ҳимоя қиласди,

бунда ўзининг позициясини қўллаб-қувватлаш учун бир қанча асосланган исботларни келтиради. Мақсад – муаллиф лозим топадиган қарашларни бошқаларнинг ҳам қабул қилишига ишонтириш.

 Асосланган самарали эссени ёзиши енгил бўлади, қачонки сиз китобхонларга ўзингизнинг эссеингизни ёзиши жараёнида уни фикрий жиҳатдан тақдим этсангиз ва улар билан фикрий мулоқотни ўрната олсангиз.

Асосланган эссе таркиби

(1) Савол бўйича нисбатан муаллиф нуқтаи назарининг баён этилиши (1 хат боши)

(2) Баён этилган позицияни асослаш – ушбу позицияни қўллаб-қувватлашни муаллифнинг ишонарли далиллари, ушбу позицияни қабул қилишга ишонтириш.

(3) Хуроса- резюме

 **Асосланган эссени баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари**

- мавзу мазмунига мос келиши;
- мазмuni, фикри;
- унга таалуқли муаммони олдиндан кўра билиш, шахсий нуқтаи назари, маълумотлар етарлилиги;
- услугб: ифода аниқлиги, муайянлиги;
- орфография

 «Менимча мамлакатимиз иқтисоди гуллаб яшнайди, агарда ... » мавзусида асосланган эссе ёзинг.

ИЛМИЙ ТАРЗДАГИ МАТННИ ЁЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Статья II. Тайёрлов босқичи

Ушбу босқичда қуидаги ишларни бажариш зарур:

- маълумотларни йиғишиш (кузатиш, ўқишиш, сұхбатлашиш, сўров ва бошқ.);
- ушбу мавзу бўйича Сиз нима дея оласиз асосига биноан ғояларни танлаш ва таҳлил қилиб чиқиш;
- бу ҳақда қандай қилиб яхши ёзиш тўғрисида фикрлаш (кластер, концептуал схема қуриш);
- «нимада биламан ва нимани айтишни хоҳлайман?» мавзуси бўйича қидириш-Т-схемалар, Венн диаграммаси, кластер каби график ташкил этувчилар ёрдамида шахсий фикрларни жамлаш ва ташкил этиш.

1-босқич. Ишининг вариантини – хомаки матнни яратиши

Ушбу босқичда қуидагилар зарур:

- «хомаки» кўринишда ёзиш;
- фақат ўзининг ғоясига фикрни жамлаш, шакл ва орфография, тўғри ифодалаш ҳақида вақтингчалик эътиборни қаратмаслик;
- бўш қатор ташлаб ёзиш: тўғрилаш жараёнида янги матнни киритишга жой бўлади.

2-босқич. Тўғрилаши

Ушбу босқич хомаки нусхани яхшилашдир. Унда сиз хомаки нусхада белгилашлар, зарурий ўзгартиришлар қиласиз. Бунда сиз стрелкалардан, кўшимча ва рақаларини ёпиштириш ва бошқа усуулардан фойдаланишингиз талаб этилади.

Тўғрилаш жараёнида ўзингизга қуидаги саволларни беришингиз зарур:

- барча матнлар бош мавзуга таалуклими?
- кўшимча маълумот талаб этадиган жой мавжудми?
- асосий фикрни таъкидлаш учун қандайдир сўзни кўшиш ёки олиб ташлашга зарурат борми?
- фикр аниқ ёки мавхум холда ифода этилганми?
- матн мантиқан шакллантирилганми?
- кириш қисми равон ёзилганми?
- хулоса ишончлими, у фикран тўғрими? Хулоса матн бошланиши билан қандай боғланган?

3-босқич. Таҳрир қилиши ёки ўқиб тўғрилаши

Ушбу пировард босқич матннинг хомаки варианти тузилган ва унга тегишли ўзгартиришлар киритилгандан сўнг бошланади. Сизнинг вазифангизга матн орфографик, грамматик ва стилистик хатоликларга эга бўлмаслиги киради. Бунинг учун ўзингизга қуидаги саволларни беришингиз лозим бўлади:


- барча сўзлар тўғри ёзилганми? (Ёзилиши тўғри эканлигига ишончингиз йўқ сўзлар тагига чизинг ва уни яна бир маротаба лугат бўйича текшириб кўринг);
 - барча гаплар тугалланган фикрга эгами?
 - алоҳида гап бўлакларига ажратиш мумкин бўлган узун жумлага эга бўлган гаплар матнда учрамайдими?
 - тикиш белгиларидан: вергул, тире, икки нуқта, нуқта вергуллардан тўғри фойдаланилганми?
 - барча хат бошиларда чекиниши амалга оширилганми?
- (Хар қандай янги фикр хат бошидан бошланади).



1. Сиз учун
 - а) қийин бўлмаган
 - б) унчалик қийин бўлмаган
 - в) катта қийинчиликлар яратадиган илмий тарздаги матн турларини санаб беринг.
2. Сиз у ёки бу илмий тарздаги матнларни ёзишингизда қандай қийинчиликларга дуч келасиз:
 - а) тил билан боғлиқ (грамматик, лексик) қийинчиликларга;
 - б) мазмунни ифода этишдаги (ифода этилганнинг мантиқийлиги, боғлиқлиги) қийинчиликларга;
 - в) матннинг асосий турлари хусусиятларини ва уни ташкил этиш қоидаларини билмасликдан келиб чиқадиган қийинчиликларга;
 - г) матнни расмийлаштириш қоидаларини билмасликдан келиб чиқадиган қийинчиликларга.

АХБОРОТНИ ОҒЗАКИ РАВИШДА УЗАТИШ

3



- ❖ Илмий тарздаги нутқ: тавсифий хусусиятлари
- ❖ Маъруза билан сўзга чиқиши
- ❖ Такдимот (Хабар бериш)


АХБОРОТНИ ОҒЗАКИ РАВИШДА УЗАТИШ

Бўлимда илмий тавсифдаги маълумотларни оғзаки равишида тақдим этиши шакли – маъруза, шунингдек ўқув топширигини бажарии натижаси – тақдимот қараб чиқилади.

Гапириш – бу нутқий ўзаро ҳаракат қилишнинг энг фаол шакли бўлиб унинг ёрдамида оғзаки равишида мулоқат амалга оширилади; маъруза, хабарлар билан сўзга чиқишида мустақил фаолият сифатида намоён этилади.

ИЛМИЙ ТАРЗДАГИ НУТҚ: ТАВСИФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Илмий тарздаги нутқда мақсадни таҳминлаш



Монологик тарзда гапириш сифати



МАЪРУЗА БИЛАН СЎЗГА ЧИҚИШ


Илмий ахборот билан сўзга чиқиш жараёнининг тузилиши



 **Маъруза қилишда маълумотни тақдим этиш усулини танлаш бўйича тавсиялар**

1. Маърузани нимадан бошламоқ зарур?

Эътиборни қўйидаги усуллар билан эгаллаш мумкин:





Эсдан чиқарманг, маъруза бошланишидан сўнг мавзуни асослаш зарур бўлади ва унинг долзарбилиги, шунингдек илмий ҳолати – тезис айтиб ўтилади.

2. Асосий маърузани баён этишда тингловчиларни қандай йўл билан қизиқтириш мумкин?


- оддий бўлмаган фактларни гапириб бериш;
- барча тингловчиларга тўғридан – тўғри таалуқли бўлганларни гапириб бериш;
- сўзлаш жараёнида холисона ва аниқлаштирилган бўлмоқлик;
- образли солиштиришлардан унумли фойдаланиш



Келтириладиган образлар, солиштиришилардан унумли фойдаланиши ва улар меъёрига амал қилишини эсда тутинг!

3. Қайд тарзда сўзга чиқиши тугатиш лозим?

Чиқиш охирида унинг мақсадига кўра, қуйидагилар мумкин:



|| Резюме қилиш – бу холоса қилиш. Қисқача холоса қилинадиган жумла – бу сўзловчи нутқининг «айлантирилган» шакли, унинг асосий ғояси.

Резюме матнидаги ибора ва сўз бирикмалари намуналари

- Шундай қилиб, ...
- Тасдиқлаш мумкинки ...
- Асосий ғоя бинобарин, қуйидагича бўлади ...
- Айтиб ўтилганларни жамлаймиз

Сўзга чиқишида оддий хатоликлар

- 1) асосий фикрни қабул қилишга халақит берадиган хориж атамалари ва тушунчаларини сустеъмол қилиш;
- 2) паразит сўзлар: «мана», «демак» ва шу кабилар учраши;

3) овознинг ҳаддан ташқари юқори бўлиши: бу каби нутқни тингловчилар 8-10 дақиқадан сўнг қабул қила ололмайдилар;

4) 14-15 сўздан ошиқ бўладиган сўз бирикмаларини тўзиши: бу каби жумлалар қабул қилинмайди, грамматик тузилма мураккаблиги туфайли моҳият тушунарсиз бўлади;

5) бир маромдаги интонация, маъruzанинг эътиборли жойларида ургу бермаслик ва шу кабилар.



Гурухда ўқитувчи томонидан белгиланган мавзу бўйича 2-3 та маърузалар билан сўзга чиқишлиарни ўтказинг.

Марузалар давомида қўйида жойлаштирилган жадвал бўйича ҳар бир сўзга чиқувчини баҳоланг.

Ҳар бир маърузадан сўнг жадвалнинг ҳар бир пункти бўйича муҳокама ўтказинг.

Маърузачиларга умумий баҳо беринг. Улар учун кониқарсиз баҳоланган жадвал пунктлари бўйича тавсияларни тайёрланг.

Маърузачиларни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари		
	ҳа (2 балл)	қисман (1 балл)	йўқ (0 балл)
<i>Сўзга чиқиши мавзуси ва мақсади:</i> 1. Маъруза мавзуси тушунарлимни? 2. Мақсад аниқ шакллантирилганми?			
<i>Мазмуни:</i> 1. Қизиқарлимни? 2. Мантиқли ва аниқми? 3. Ишонтирадиганми? 4. Маълумот янгими? 4. Фоялар бирламчими?			
<i>Нутқ ва тили:</i> 1. Икки маънолик йўқми? 2. Гаплар қисқами? 3. Матнда мужмал гаплар йўқми? 4. Кўп гаплик йўқми? 5. Нутқда тушунишга халақит берувчи хатолар йўқми?			
<i>Ташқи қўриниши, ўзини тута билиши:</i> 1. Дадиллик билан ўзини тутадими? 2. Нутқ барчаларга мурожаат қилинганми? 3. Қатнашчиларга қўз ташлайдими? 4. Эркинсизлик йўқми? 5. Қўл ҳаракатлари ўринлими?			
<i>Бошқалар (қўшимча қилинг)</i> 1. 2.			

? Аниқланг маърузани ёзишда биринчи навбатда сизда нималар қийинчилик келиб чиқаради?
– кириш;

- асосий қисм;
- хулоса.

Ушбу қийинчилилак сабабини тушунтира бера оласизми?

ТАҚДИМОТ (ХАБАР БЕРИШ)

Тақдимот – ўкув (илмий) иш ҳақида оғзаги равишида ҳабар беріш.

Тақдимот ўтказиш шакллари:

- Интерфаол диалог (масалан, консалтинг фирмаси – компания вакиллари)
- Барча гурух иштироқчилари сўзга чиқади
- Гурух бошлиғи сўзга чиқади



Муваффақиятли тақдимотнинг сирлари

- гапираётганингизда доимо ишончли бўлинг;
- аниқ, буро гапиринг;
- фикрнинг доимо тугалланган жумла билан ҳамда мухим жойларига урғу бериб ажратган ҳолда ифода этинг;
- бир маромда ва аста гапирманг, аммо нисбатан қаттиқ гапирманг ҳам;
- ҳушмуомали ва зийран бўлинг, жаҳлдор бўлманг;
- доимо кулиб турган ҳолда бошланг ва тугатинг, аммо бунга ортиқча ҳаракат қилманг;
- қуйидаги сўз бирикмаларини қўлламанг: «Мумкин бўлса», «Уни Ким билади?», «Мумкин ... » ва шу қабилар. Бу каби жумлалар сизнинг чиқишингизда ўзига ишончлилик бўлмасликни келтириб чиқаради ва натижада сиз ўзингизга ишончни йўқотасиз;
- қўриш контакти (боғланиши) ни сақлашга ҳаракат қилинг – тингловчиларга қарашга ҳаракат қилинг (ҳар бир қатнашчига 3 секунддан);
- оёқни чалиштирманг, қўлни орқада ушламанг, стол, минбарга таянманг, кучли имо-ишора қилманг, ручка, маркерни ўйнатманг, елпифич, қофоз билан елпиманг ва шу қабилар;
- ҳар бир жавоб ва таклифни доимо рағбатлантиринг.

Тақдимот қоидаси

- | |
|---|
| <ul style="list-style-type: none"> • Чиқиши регламентига риоя қилиши • Чиқиши навбатига риоя қилиши • гурух аъзолари ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш ва улар хатти-ҳаракатида келишиувга эришиши <ul style="list-style-type: none"> • маълумотлар график кўринишида (схема, жадвал, график) түйдим этилиши лозим бўлади; |
|---|

- ҳар қандай график күринишидаги маълумот шарҳланиши талаб этилади.



Тақдимотда нимага йўл қўйилмайди:

- ҳолатни тасвирлаш ва уни қайта сўзлаб беришга;
- иштирокчиларнинг сўзга чиқишиларидағи қарама-қаршиликларга;
- тушунарсиз, ноаниқ, ўринсиз избораларга.



Ўйлаб кўринг ва гурухда тақдимотни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини муҳокама қилинг.

Тақдимотни муваффақиятли ўтказиш қоидалари ва сирларига асосланиб ўз иш натижаларингиз тақдимотини ўтказинг.

ТАХЛИЛИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ КЎРГАЗМАЛИ ТАҚДИМ ЭТИШ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ: ГРАФИК ТАШКИЛ ЭТУВЧИЛАР

4

- ❖ **Жадваллар:**
 - ❖ Инсерт, Тоифали, Концептуал, БББ, «Кластер» схемаси, Т-жадваллар, Венн диаграммаси, SWOT-тахлил жадвали, «Кучлар тахлили» графиги
- ❖ **Схема ва диаграммалар:**
 - ❖ «Нима учун?», «Қандай?», «Балиқ скелети», «Каскад», «Пирамида», «Нилуфар гули»

МАЪЛУМОТЛАРНИ КЎРГАЗМАЛИ ТАҚДИМ ЭТИШ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ: ГРАФИК ТАШКИЛ ЭТУВЧИЛАР

Ушбу бўлимда маълумотларни таркиблаштириши ва умумлаштириши усул ва воситалари, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатиш; маълумотларни таҳлил қилиши, солишиши ва таққослаши; муаммоларни ҳал этишини режалаштириши каби масалалар қараб чиқиласди.

**График ташкил этувчи – фикрий жараёнларни
кўргазмали тақдим этиш воситаси.**

МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАРКИБЛАШТИРИШ ВА ТАРКИБИЙ БЎЛИБ ЧИҚИШ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ, ЎРГАНИЛАЁТГАН ТУШУНЧАЛАР (ҲОДИСАЛАР, ВОҚЕАЛАР, МАВЗУЛАР ВА ШУ КАБИЛАР) ЎРТАСИДА АЛОҚА ВА АЛОҚАДОРЛИК ЎРНАТИШ

График ташкил этувчи тури, аҳамияти ва хусусиятлари

Ўқув фаолиятини ташкил этиш
жараёнининг таркибий тузилмаси

ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ

- мустакил ўқиши, маъруза тинглаш жараёнида олинадиган маълумотларни бир тизимга келтиришга имконият яратади.
- Олдиндан олинган маълумотни янгиси билан ўзаро боғлаш кобилиятини шакллантиришга имкон беради.

Инсерт жадвали таркиби ва уни тўлдириш қоидаси билан танишади.
Шахсан уни расмийлаштиради.

Ўқиши вақтида олинган маълумот якка тартибда тақсимланади: матнда белги кўйилган мос равишда жадвал устуенларига “жойлаштирилади”:
V – “...” хакида олинган билим (маълумот)га мос келади;
– – “...” ҳақидаги билимга қарама-қарши;
Қ – янги маълумот саналади;
? – тушунарсиз кўшимча маълумот.

ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ

V	+	-	?

Кластер
(Кластер – тутам, боғлаш)

- Маълумот харитасини тузиш ва воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йигиш.


Билимлар фаоллашишини таъминлайди, мавзу бўйича фикрлаш жараёнида янгича ассоциация тақдим этишга эркин ва очик кириб боришга ёрдам беради.

Кластерни тузиш қоидалари билан танишади. Синф доскаси ёки катта қоғоз варағи марказида калит сўзлар 1 – 2 сўздан иборат мавзу номланиши ёзилади.

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томонидан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз биримаси. Улар чизик билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин ва бошқалар. Ёзув ажратилган вақт тугагунча ёки ғоя йўқотулмагунча давом эттирилади.

Мулоҳазалар учун кластерлар алмаштирилади.

КЛАСТЕР



Кластерни тузиш қоидаси

1. Ақлингизга келган барчани ёзинг. Ғоя сифатини муҳокама қилманг: уларни оддий ҳолда ёзинг.
2. Орфография ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзувни тўхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қоғозга расм чизинг, қачонки янги ғоялар пайдо бўлмагунча.
4. Кўпроқ алоқа бўлишлигига ҳаракат қилинг. Ғоялар сони, улар оқими ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликка чегараланманг.

Тоифали жадвал

Тоифа – мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган белги (умумий).

- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди
- тизимли мушоҳада қилишни, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради

Тоифали шарҳни тузиш қоидалари билан танишилади. Ақлий хужумдан сўнг (кластерга ажратиш) мини гурухларда янги ўкув материали билан танишилади ва олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади.

Тоифалар жадвал қўринишида расмийлаштирилади. Фоя маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин

Иш натижаси тақдимоти



Тоифали шарҳни тузиш қоидалари

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.
2. Бита мини-гурухда тоифаларга ажратиш бошқа гурухда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.
3. Ўрганувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас: бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.
4. Тоифали шарҳни яратиш якуний маҳсул сифатида эмас, балки жараён сифатида муҳим

Тоифали жавдал

ТОИФАЛАР

Концептуал жадвал

- ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, қараш, мавзу ва шу кабиларни икк ва ундан ортиқ жиҳат бўйича таққослаш имконини беради.

Тизимли муроҳада қилиш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради

Концептуал жадвал тузиш қоидалари билан танишилади. Таққосланадиган нарса аниқланади, таққослаш амалга ошириладиган тавсифлар ажратилади.

Якка тартибда ёки мини-гурущларда концептуал жадвал қурилади ва у тўлдирилади;

- вертикал бўйича - таққослаш талаб этиладиган нарсалар (қарашлар, назариялар) жойлаштирилади
- горизонтал бўйича – таққослашни амалга оширишдаги ҳар хил тавсифлар жойлаштирилади.

Иш натижаси тақдимоти

КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

... га ёндашувлар, ... тушунчалари	Тавсифлар, тоифалар, ажралиб турадиган белгилар ва шу кабилар

БББ жадвалини тузиш қоидалари билан танишилади. Якка тартибда (жуфтликда) Жадвал расмийлаштирилади.

БББ жадвали Биламан, Билишни хоҳлайман, Билдим
- матн (мавзу, бўлим) бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш имконини беради
- тизимли мулоҳаза қилиш, таркибга ажратиш кўникмаларини беради.

Қўйидаги саволга жавоб берилади: “Ушбу мавзу бўйича сиз нимани биласиз?” ва “Нимани билишнги хоҳлайсиз?”
(Келгуси иш учун таҳминий .асос яратилади)

Якка тартибда (жуфтликда) жадвалнинг 1 – 2 – устуни тўлдирилади.


Мустакил равишда маъруза матнини ўқийди (маърузани эшигади).

Жадвалнинг 3 – устунини мустакил (жуфтликда) тўлдиради.

ББ жадвали


Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим

МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, СОЛИШТИРИШ ВА ТАҚКОСЛАШ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ




Т-жадвал

K (ха)	– (йўқ)



Венн диаграммаси



SWOT-тахлил жадвали

- ташкилот ресурслари ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш воситаси. Бу каби таҳлилни ташкилот бўйича умумий тарзда ёки алоҳида муаммо ёки лойиха бўйича ҳам амалга ошириш мумкин. Тизимли мушоҳада қилиш, таққослаш, солиштириш, таҳлил ва синтезни амалга ошириш кўникмаларини ривожлантиради

SWOT – таҳлил жадвалини тузиш тартиби билан танишилади

Мини-гурухларга бирлашишади, таққослашади, тўлдиришади, ўзгартиришади.
Умумий SWOT-жадвалга жамлашади

Иш натижаси тақдимоти

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;

Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун ташқаридаги мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар, ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

SWOT-таҳлил жадвали

S	W
O	T

 *Коидага кўра, SWOT – таҳлил муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишида унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуийдагича талқин қилиши мумкин:*

S	Кучли томонлари (корхона ички ресурслари)	- барқарор ривожланишнинг асосий механизми бўлиб хизмат қилади - янги лойиҳалар асоси ҳисобланади - ноқулайликларни енгиг ўтиши воситаси ҳам бўлиши мумкин
W	Ожиз томонлари (корхона ички муаммолари)	- корхона фаолияти айнан шу каби камчиликларни енгиг ўтишга йўналтирилган бўлиши лозим - янги лойиҳалар учун ўзак мақсад ҳисобланади - ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишида мажбуран ҳисобга олиниши зарур
O	Имкониятлар (ташқаридан)	- молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча ресурслари ёки ташқи манбаси бўлиб хизмат қилади - корхона мақсади билан қанчалик даражада улар мос келиши ёки қанчалик муросага келиш имконияти борлигини ҳисобга олиш зарур бўлади - янги лойиҳалар асоси, ёхуд ҳамкорлик манбаси бўлиши мумкин
T	Хавфлар (ташқаридан)	- ҳар бир янги лойиҳада ҳисобга олиниши зарур - уларни бартараф этиш чора-табирларини ишлаб чиқиш талаб этилади; - айрим ҳолларда «душманни» «иттифоқчи» га айлантириш парадоксал варианти мумкин бўлади


«Кучлар таҳлили» графиги
 - ноқулайлик, қийинчиликлар ва усуллар ажратилган ҳолдаги SWOT – таҳлилнинг соддалаштирилган ва график кўриниши ўзгартирилган варианти
 Тизимли мушоҳада қилиш, таққослаш, солишириш, таҳлил ва синтезни амалга ошириш кўникмаларини ривожлантиради

Графикни тузиш қоидалари билан танишилади.
 Якка (жуфтликда) график чизилади ва у тўлдирилади

Мини-гурущларга бирлаштирилади, таққосланади, тўлдирилади, ўзгартирилади. Умумий графикка жамланади ва ыз диаграммаларини тўлдириади

Иш натижаси тақдимоти

«Кучлар таҳлили» графиги



«Кучлар таҳлили» графигини түзиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишига халақт берувчи түсиклар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиһатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиёддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгіб ўтиши воситалари стрелка кўрининишида экс эттирилади. Улар сони график ўнг томонидан натижса чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришини ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбатан баҳолаши ҳисобланади.

МУАММОНИ АНИҚЛАШ, УНИ ҲАЛ ЭТИШ, ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

«Нима учун?» схемаси

«Нима учун?» схемаси


- муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича бир бутун қатор қарашлар.
Тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради

«Нима учун?» схемасини түзиш қоидалари билан танишади

Якка тартибда (жуфтликда) муаммо шакллантирилади. «Нима учун?» сўроғи билан стрелка чизилади ва ушбу саволга жавоб ёзилади. Ушбу жараён муаммони келтириб чиқарган илдиз яширган сабаби ўрнатилмагунча давом эттирилади


Мини-гурухларга бирлашади, ўз схемаларини таққослайди ва қўшимчалар киритади. Умумий схемага жамлайди

Натижалар тақдимоти





«Нима учун?» схемасини тузиш қоидалари


1. Қандай пиктограммадан: айлана ёки түгри түртбұрчак фойдаланишингизни ўзингиз ҳал этасиз.
2. Мулоҳазалар схема-занжири турини: чизиқли, ночизиқли, спиралсімон (дастлабки ҳолатни марказға ёки четга жойлаштириб) бўлишилигини ўзингиз танлайсиз.
3. Стрелка сизнинг қидирув йўналишингизни белгилайди: дастлабки ҳолатдан оқибатгача.



«Балиқ скелети» схемаси



«Қандай?» иерархик диаграммаси





«Қандай?» диаграммасини қуриш қоидалари

1. Күп ҳолларда сизге муаммолар ҳал этишида «Нима қилиши керак?» ҳақида үйлашга ҳожат бўлмайди. Муаммо асосан «Буни қандай қилиши керак?» қабилида бўлади. «Қандай?» - муаммони ҳал этишида асосий савол ҳисобланади.

«Қандай?» иерархия диаграммаси муаммо ҳақида бутунлигича умумий тасаввурга эга бўлишига имкон берадиган саволлар мантиқий занжиси кўриншишида бўлади.

Кетма-кет равииша «Қандай?» саволини қўйиш орқали сиз фақат муаммони ҳал этишининг барча имкониятларини тадқиқ этибгина қолмай, балки уларни амалга оширии усулларини ҳам ўрганасиз.

Диаграмма стратегик даражадаги савол билан иши бошлайди. Муаммони ҳал этишининг пастки (қуийи) даражаси биринчи навбатдаги ҳаракатлар рўйхатига мос келади.

2. Ўйламай, баҳоламай ва уларни ўзаро солиши тизмай тезликда барча гояларни ёзиши лозим бўлади.

3. Диаграмма ҳеч қачон тугалланмайди: унга янги гояларни киритиш мумкин бўлади.

4. Агарда савол схемада бир қанча «шохлар»да қайтарилса, демак у нисбатан муҳимдир. У муаммони ҳал этишининг муҳим қадами бўлиши мумкин.

5. Янги гояларни график кўриншида қайд этишини ўзингиз ҳал этинг: дарахт ёки каскад кўриншида, юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга. Энг муҳими эсда тутинг: нисбатан кўп миқдордаги фойдали гоялар ва муаммо ечимларини топишга имкон берадиган усул мақбул усул ҳисобланади.

6. Агарда сиз тўғри савол берсангиз ва оптимистик бўлсангиз, у ҳолда диаграмма (техника) ҳар қандай муаммо ечимини топиб беришини кафолатлади.


«КАСКАД» таркибий-мантиқий схема
- иерархик гоялар таркибини аниқлаш имконини беради.

Тизимли, ижодий, ташлилий мушоощада қилиш кўнимкаларини ривожлантиради

Схемани тузиш қоидалари билан танишилади.
Якка (жуфтликда) схема тузилади

Жуфтларга бирлашади, ыз схемаларини таққослайди ва
кўшимчалар киритади
Объединяются в пары,

«Каскад» таркибий-мантикий схема



«Каскад» таркибий-мантиқий схемани қуриш қоидалари

1. «Каскад»ни тузиши жараёнида тизимли схема таркибий қисми ва элементларини олдинга сурши мумкин – бу у ёки бу ҳолатни қайта мушоҳада қилишига имкон беради.

2. Гояларни ишлаб чиқишида агарда сиз тор йўлакка кириб қолсангиз, у ҳолда бир-икки даражса юқорига қайтинг ва муҳим нарсани унутмаганингизга ҳамда бошқача нимадир қилиши мумкин эканлигига амин бўлинг.

3. Сиз чапдан ўнгга ёзишига ўргангансиз. «Каскад» қуришини ўнгдан чапга бўлишилигига ҳаракат қилинг. Бунинг учун асосий гояни варақнинг чап қирраси эмас, балки ўнг қиррасига жойлаштиринг.


Схемани тузиш қоидалари билан танишилади.

Якка (жуфтликда) схема тузилади: асосий муаммо (гоя, масала), кичик муаммолар ёзилади, кейин муаммо ёки масаланинг иккинчи даражали жиҳатларини чукурок кўриб чиқиш учун хизмат қилувчи «кичик шохлар» давом эттирилади. Бунинг натижасида битта гоя ривожланишининг барча томонлари етарлича чукур ўрганиб чиқилиши мумкин.

Жуфтларга бирлашади, ўз схемаларини тақослайди ва қўшимчалар киритади. Умумий схемага жамлайди

Натижалар тақдимоти

«Пирамида» схемаси



**«НИЛУФАР ГУЛИ» схемаси
муаммони ҳал этиши
усули.**

Ўзида нилуфар гули образини мужассам этган. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат.

Тизимли, ижодий, тащлилий мушоощада =илиш

Схемани тузии қоидалари билан танишилади. Якка (жуфтликда) схема тузилади: асосий муаммо (масала) марказий квадратнинг марказига ёзилади. Уни ўсал қилиши гоялари марказий квадрат атрофида жойлашган қолган саккизта квадратларга ёзилади. Ҳар бир ушибу саккизта гоя марказий квадрат атрофида жойлашган саккизта катта квадрат марказига ўтказилади, - бошқача айтганда, нилуфар гулидан унинг гул баргига ўтказилади. Шундай қилиб, улар ҳар бири, ўз навбатида, яна бир муаммо сифатида қаралади.

Жуфтларга бирлашади, ўз схемаларини таққослайди ва қўшимчалар киритади. Умумий схемага жамлайди

Натижалар тақдимоти

«Нилуфар гули» схемаси

	B	
	D	
	G	
	Z	
B	Z	C
D	A	F
G	H	Y
	H	
	C	
	F	
	Y	



«Нилуфар» гули схемасини тузиш қоидалари

1. Амалий нүқтәи назардан барча гояларни ихчам деб тасаввур қилинг (битеттакитаси билан чегараланинг), бу ҳам ақл учун фойдалы машқ ҳисобланади.
2. Сизга катта қогоз вараги зарур бўлади. Доимо ўзингиз мушоҳадаларинингиз натижасини бир варақ қогозда кўриши фойдалы ҳисобланади. Қарама-қарши ҳолда эса сизга бир варақдан бошқасига сакраб юришингизга ва бунда зарурий бирор муҳим нарсани унтушишингизга олиб келади.



Қуйидаги ўқув топшириқларини бажариш учун 3 та гурух ташкил этинг:

1. Мустақил хоҳлаган шаклда ўз фикрингиз бўйича 3 та гурух график ташкил этувчиларидан бирига (сизнинг гурухингиз рақамига мувофиқ) муносиб тавсиф ва белгиларни ёзинг:

(1) маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш усул ва воситалари, ўрганилаётган тушунчалар (ходисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорлик ўрнатиш;

(2) маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослаш усул ва воситалари;

(3) муаммони аниқлаш, уни ҳал этиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш усувлари ва воситалари.


2. Гуруҳда бирлашиб ёзилганни муҳокама қилинг ва ушбу ташкил этувчиларни таққосий таҳлил қилишга ҳаракат қилинг (график ташкил этувчилардан фойдаланишингиз мумкин).

3. Аниқ бир мисолда шу гурух ташкил этувчиларини қўллаш усувларини кўриб чиқинг.

Ушбу мавзу бўйича гурух билимини акс этадиган кўргазмали тақдимотни расмийлаштиринг.

ХАМКОРЛИКДАГИ ЎҚИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

5



- ❖ Хамкорликдаги ўқиши:
тамойиллари ва қоидалари
- ❖ Ўқув топшириғини бажарыш бўйича
ҳамкорликдаги ишни ташкил этиш
- ❖ «Appa» ўзаро ўқиши техникаси
- ❖ «Биргаликда ўқиймиз», «Ўйланг-Жуфтликда
ишланг-фикр алмашинг» биргаликда
уюқиши техникалари

ҲАМКОРЛИКДАГИ ЎҚИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Уибү бўлимда ҳамкорликдаги ўқиши ташкил этиши усул ва воситалари: тамойиллари ва қоидалари; «Биргаликда ўқиймиз», «Appa», «Ўйланг-Жуфтликда ишланг-Фикр алмашинг» техникалари ҳақида маълумотлар берилади.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ЎҚИШ: ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

- (1) гурӯҳга битта топшириқ;
- (2) битта рағбат: гурӯҳ барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гурӯҳ аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йигиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гурӯҳ (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;
- (3) ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гурӯхнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий маъсулиятлиги;
- (4) ҳамкорликдаги фаолият: гурӯхий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;
- (5) муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштиришга, шахсий имкониятлари, қобилияtlаридан келиб чиқсан ҳолда ўқишига берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.

Ҳамкорликда ўқиётганлар учун асосий қоидалар:

- *Топшириқни оддий биргаликда бажарии эмас, балки биргаликда ўқиши;*
- *Мусобақалашши эмас, балки ҳамкорликлаши;*
- *Биргаликда ишлашга ўрганиши, ўқиши ва ижодлаши;*
- *Ҳар доим бир-бирига ёрдам қилишига, муваффақият қувончи ёки муваффақиятсизлик аччигини бирга тортishiغا тайёр бўлиши.*

ҮҚУВ ТОПШИРИГИНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1-босқич

Үқув материалы, бажариш қоидалари, натижаларни баҳолаш күрсаткич ва мезонлари, **гурұхда ишлаш қоидалари** билан танишадилар



Гурұхда ишлаш қоидалари:

- ҳар ким ўз ўртоқлари нүтқини хуши муомалалик билан тинглаши зарур;
- ҳар ким фаол, биргаликда ишлаши, берилған топшириқта масъулиятли ёндашиши зарур;
- ҳар ким ёрдамга мұхтож бўлғанда уни сўраши зарур;
- ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилишии зарур;
- ҳар ким гуруҳ иши натижаларини баҳолашда иштирок этишии зарур;

Ҳар ким аниқ тушуниши зарур:

- бошқаларга ёрдамлашиб, ўзимиз ўрганамиз!
- биз бир кемадамиз: ёки бирга сузиб чиқамиз ёки бирга чўкиб кетамиз!

2 – босқич. Гурұхда ишлаш

- Гурұхдаги ишни режалаштиришади
- Гурұх ичида топшириқларни тақсимлашади
- Якка тартибда типшириқларни бажаришади
- **Гуруш музокарасини ўтказиш қоидаларига** асосланиб якка тартибда эришилған натижаларни мухокама қилишади ва гурух ишининг умумий натижасини шакллантиришади
- Тақдимот учун биргаликда олиб борилған иш натижаларини тайёрлашади
- Ушбу материал қисмини бошқалар ўзлаштирганligини аниқлаш мақсадида ўзаро текширув саволларини тайёрлашади



Гурух музокарасини ўтказиш қоидалари


- Мұхокамани боилашдаш олдин мұхокама муаммоси, предметини аниқ шакллантириб олинг. Мұхокама этилаётган муаммони барчалар тушинишларига эришинг.
- Навбатми-навбат гапиринг. Гапираётганның нүтқини бўлишини ёқотиши зарур. Агар кимдир гапира боилаша, қолганлар жим бўлишлари зарур.
- Эътибор билан тингланг, гапираётганның фикрини тушинишга ҳаракат қилинг. Эътибор билан тинглаш кўрсаткичи –гапираётганның фикрини, позициясини ўз сўзлар билан қайта айтши қобиляти.
- Гапираётганның ўз ҳурматига тегадиган, айниқса негатив йўналишидаги, баҳоли мулоҳазалар («ёмон», «ёмон эмас», «бемаънилик» ва бошқалар)ни олиб ташланг.
- Шаҳсий мулоқатга ўтманг. Гапираётганның ҳеч қандай ҳолатда шаҳсий фазилатларига («Сен нима бутунлай кармисан?») ўтмасдан фақат гапларини, танқид ёки мұхокама қилиши мумкин.
- Танқид асосли бўлиши зарур. «Бу бўлмайди» деган сўзларнинг ўрнига «Сен масалани нотўғри тушинибсан» денг, қўшимча қилишга ишланг. Эътиборни хатоларда эмас, балки таклифдаги ривожлантириши, қўшимча қилиши мумкин бўладиган оқилона фикрни топишга йўналтириши зарур.
- Ўтказилган таҳлилдан қандай хулосалар қилиши мумкин?
- Мұхокамага якун ясанг ва музокара натижалари етарли даражада барча гурух аъзолари фикрларини аниқ акс эттиришига ишонч ҳосил қилинг.

3-босқич. Тақдимот

- Гурух аъзолари биргаликда бажарган иш натижаларини кўргазмали воситалар ёрдамида тақдимот этадилар
- Бошқалар ушбу материал қисмини ўзлаштирганligини аниқлаш мақсадида ўзаро текширув саволларини берадилар

Ўзаро ўқиши умумий базавий тамойилга асосланган: ўқув гурухи кичик гурухларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ аъзоси ўрганилаётган мавзунинг маълум соҳаси бўйича эксперт сифатида бошқаларни ўқитади.

Ҳар бир гурухнинг мақсади барча иштирокчилари мавзуни тўла ҳажмда эгаллаб олишидан иборат.



Ўзаро ўқишини ташкил этиш

«Арра» техникасидан фойдаланган ҳолда гурухларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши

1. Мураккаблиги ва ҳажми бўйича тенг қимматли қисмлар (мантиқий ёки мазмуний блоклар)га бўлинган ўқув материали устидан ишлаш учун 4-6 кишидан иборат бўлган *гурухлар тузилади*.

2. *Мустақил иш*: мустақил ўрганиш мақсадида ўқув топшириғи эксперт варағидаги саволларга мувоғиқ тенг маромда гуруҳ аъзолари орасида тақсимланади.

Гурухнинг ҳар бир аъзоси эксперт варағидаги ўз саволига жавобни тайёрлаш учун ўқув материалидан керакли маълумотни топади.

3. «*Экспертлар*» учрашуви – ҳар хил гурухларда бир ҳил материални ўрганиётганлар эксперт сифатида учрашади ва маълумотлар билан алмашади. Улар ўз саволлари устида ишлашади, ўз дастлабки гурухлари аъзоларига қандай қилиб маълумотни энг самарали ифодалаш ва кўргазмали тақдим этишини биргаликда режалаштиради.

4. Ўзаро ўқии: «экспертлар» ўз дастлабки гуруҳларига қайтиб келишади ва бошқаларни ўzlари билиб олган янгиликларга ўргатади: ҳар ким ўз топшириғининг қисми ҳақида маълумот беради – (бир арранинг тишларидек) эксперт варағидаги саволни очиб беради.

5. Ўзаро текшириши ва ўзаро баҳолаш: бутунлай мавзу бўйича бир бирига саволлар беришади ва янги ўқув материалини ўзлаштириш даражасини баҳолашади, ёки ўқитувчи томонидан бутун мавзу бўйича тайёрланган тестларни бажаради.

«БИРГАЛИКДА ЎҚИЙМИЗ» БИРГАЛИКДА ЎҚИШ ТЕХНИКАСИ

Биргаликда ўқиши: ўқув гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўрганилаётган мавзунинг маълум бир соҳасида эксперт бўлади ва бошқаларни ўргатади.

Ҳар бир гуруҳнинг мақсади барча бошқа гуруҳлар иштирокчилари мавзу саволларини тўла ҳажмда эгаллаб олишидан иборат.

«Биргаликда ўқииймиз» техникасидан фойдаланган

ҳолда гуруҳларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши

1. Билим даражасига қараб 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил турдаги гуруҳлар тузилади.



2. Ҳар бир гурухга *битта* топшириқ берилади –умумий мавзунинг бир қисми, унинг устида бутун ўқув гуруҳи иш олиб боради ҳамда таянчлар – **эксперт варақлари** – тақдим этилади.



3. Ҳар бир гуруҳ ичида умумий топшириқ тақсимланади.



4. Ҳамма якка *тартибдаги топшириқни* бажаради.



5. Барча гуруҳ аъзоларининг мини-маъruzalарини тинглайди. Умумий натижа (бутун эксперт варағи бўйича саволлар жавоби)ни шакллантиради ва уни тақдимотга тайёрлашади.



6. Спикер ёки гуруҳ барча аъзолари биргаликда бажарган иш натижаларини тақдимот этишади.



Гуруҳнинг якуний баҳоси маъруза учун умумий баллни ва мустақил иш учун индивидуал балларни ўз ичига олади.

Эксперт варағи



Матнни ўқишида асосланиши зарур бўладиган саволлардан иборат варақ. Саволлар ўқув материали устидан олиб бориладиган мустақил фаолиятни йўналтиради.



Одатда эксперт вараги 3 та саволдан иборат.

Биринчи иккита савол жавоблари бутун ўқув матни бўйича оз-оздан ийгилади.

Учинчи савол жавобларини тайёрлаш биринчи ва иккинчи савол жавоблари учун ийгилган материал асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, ишланма, эҳтимол, гуруҳдан ўз фикрини аниқлашини ёки масала моҳияти юзасидан қатор исботларни тузуб чиқишини талаб қиласди.

«ЎЙЛАНГ-ЖУФТЛИҚДА ИШЛАНГ-ФИКР АЛМАШИНГ»

Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

«Ўйланг-Жуфтликда ишланг-Фикр алмашинг» техникасидан фойдаланган ҳолда гурухларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши

1. Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг қисқа жавоблар ёзиш тартибида.



2. Талабалар жуфтликларга бўлинниб, бири бири билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишига ҳаракат қиласди.



3. Ўқитувчи бир неча жуфтликларга ўттиз секунд давомида аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришни таклиф қиласди.



Қуйидаги ўқув топшириқларини бажариш учун 3 гуруҳга бўлининг:

1. Мустақил хоҳлаган шаклда «ҳамкорликдаги ўқиши», «ўзаро ўқиши», «биргаликда ўқиши» тушунчаларига, сизнинг фикрингиз бўйича, муносиб тавсиф ва белгиларни ёзинг.

2. Гуруҳда биргаликда ёзилганни мухокама қилинг ва ушбу тушунчаларни бирга таққослаб таҳлил қилишига ҳаракат қилинг (график ташкил этувчиларидан фойдаланишингиз мумкин).

3. Сиз учун учта ўқиши техникасидан қайси бири маъқул? Ўз жавобингизни асослаб беринг.



Ушбу мавзу бўйича гуруҳ билимини акс этадиган кўргазмали тақдимотни тайёрланг.

Бошқа гурухлар аъзоларининг билимини текшириш учун саволларни тайёрланг.

МУАММОНИ ЖАМОАЛИ ТАРЗДА ҲАЛ ЭТИШ, УНИ ҲАЛ ЭТИШ БҮЙИЧА УСТУВОР ҒОЯЛАРНИ БАҲОЛАШ ҲАМДА ТАНЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

6



- ❖ **Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари**
 - Бахс
 - Музокаралар
 - Ақлий ҳужум
 - График ташкил этувчилар
- ❖ **Муаммони ҳал этишнинг устувор фикрларни баҳолаш ва танлаш техникаси**
 - Балли баҳолаш техникаси
 - Кундалик техникаси
 - 6–6 техникаси
 - Пинборд
 - Дельфи

МУАММОНИ ЖАМОАЛИ ТАРЗДА ҲАЛ ЭТИШ, УНИ ҲАЛ ЭТИШ БҮЙИЧА УСТУВОР ҒОЯНИ БАҲОЛАШ ВА ТАНЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ



Ушбу бобда сиз муаммоларни жамоали тарзда ҳал этишнинг қуидаги усуллари ва воситалари: музокаралар, баҳслар, давра сұхбатлари, ақлий хужум; муаммоларни мақбул ҳал қилишни баҳолаш ва танлашнинг қуидаги техникалари: Дельфи, Пинборд, балли баҳолаш техникаси билан танишасиз.

МУАММОНИ ЖАМОАЛИ ТАРЗДА ҲАЛ ЭТИШНИНГ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

Баҳс

- || – Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани мухокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва түғри қарорни қабул қилиш



Баҳс иштирокчисига эслатма:

1. Баҳс муносабатларни ҳал этиш усули эмас балки муаммони ҳал этиш усулидир.
2. Бошқа иштирокчиларга ҳам сўз бериш учун узоқ вақт нутқ сўзлама.
3. Ҳар бир сўзни ўйлаб, түғри ифода қил, ҳиссийётларингни назорат қил, чунки сенинг ақлий фикрларинг ўз мақсадига этиши керак.
4. Оппонент нуқтаи назарини тушунишга ҳаракат қил, уни ҳурмат қил.
5. Оппонент фикрини бузмасдан эътиrozларингни аниқ билдири.
6. Фақат баҳс мавзуси бўйича фикр билдири, кўп ўқиганлигинг ва умумий билимдонлигингни рўйкач қилма.
7. Кимгадир ёқишини кўзлаб ҳушомад қилишингга ва ўз нутқинг билан ранжитишга қарши курашгин.

Анжуман-баҳснинг роллари

Олиб борувчи - ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларни фойдаланишининг аниқлигини, мулоқат хушмуомалалигини кузатади ва бошқалар.

Оппонент – тадқиқотчилар мухитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафакат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалаши балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлади, тушунчалар тавсифини аниқлади, далиллар ва рад этишлар боришини, ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қиласи ва бошқалар.

Психолог – маҳсулли мулоқатни ташкил этиш учун жавоб беради, биргалик ҳаракатлар келишишлигига эришади, баҳс можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – бутун баҳс маҳсулдорлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳолосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, баҳснинг аниқ бир иштирокчиларининг хиссаси тўғрисида фикр билдиради ва бошқалар.

Музокаралар

|| – Музокаралар – эшитиш аниқ ташкил этилган икки томон фикрлари алмашинуви.

□ «Ерга мулкчилик: ҳозирги ҳолати ва келажаги» мавзусида музокаралар ўтказинг.


Иккита гурухга бўлининглар: ерни хусусийлаштириш тарафдорлари ва қаршилари. Ҳар бир гуруҳда бошчини сайлаб олинглар.

Ўйлаб кўринг, музокаралар иштирокчилари қандай тузилма ва ташкилотларни намоён этишлари мумкин? Шунга мувофиқ ролларни ўйлаб чиқинг ва уларни тақсимланг.

Музокараларни бошқарадиган раисни сайланг.

Музокараларни ўтказишда қўйида келтирилган «Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши» схемасига асосланинг.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



?

Сизнинг фикрингиз бўйича музокаралар ва баҳс ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

«Ақлий ҳужум»

- || – Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласи) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, мухокама қилинади ва ривожлантирилади, ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўкув-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, муроҷат маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

- || • **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўкув гурӯҳи (25дан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.
- **Оммавий ақлий ҳужум** – микрогурӯҳларга бўлинган катта аудиторияда (60 кишигача) фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.
- **Ҳар бир гурӯҳ ичida умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.**



Ақлий ҳужум қоидалари:

- **Ҳеч қандай ўзаро баҳолаши ва танқидга йўл қўйилмайди!**
Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашига шошилма, агарда улар заройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.
Танқид қилма – барча фикрлар тенг қадрли.
Сўзловчини тўхтатма!
Танбех берма!
- **Мақсад бу миқдор!**
Фикрлар қанчалик кўп билдирилса, шунча яхши: янги ва қадрли фикр пайдо бўлиши эҳтимоли ортади.
Агар фикрлар қайтарилса ҳафа бўлма ва аччиқланма.
- **Тасаввуринингга эрк бер!**
Пайдо бўлаётган фикрлардан ўзингни тўхтатма, агар сенингча улар қабул қилинган чизмаларга мос келмаса ҳам.
Муаммо ҳаммага маълум усуллар орқали ечилиши мумкин деб ўйлама.

Ақлий ҳужумни ташкил этиш жараёнининг тузилиши

Тўғридан-тўғри жамоали АХ

Ўқитувчи бутун гурухга муаммоли топшириқ беради ва уни ҳал этиши бўйича фикрларни ифода этишини таклиф этади. Кўйилган муаммога таълукли ўзар қандай фикрни ифода этиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантиради. АХ қоидалари билан танишадилар

Фикрлар ифодаланади, ўқитувчи (ассистент) эса уларни доскага ёки флипчартга ёзади

АХ тугаши билан: (1) фикрлар баҳоланади ва энг яхшилари танланади; (2) барча ёзилган фикрлар тақдим этилган муаммони конструктив қарорини ишилаб чиқши мақсадида гурухлаштирилади, тоифаларга бўлиб чиқиласди
(Пинборд техникаси, тоифали жадвалга каранг)

Оммавий АХ

Ўқитувчи муаммони ҳал этишнинг бир нечта жиҳатларини тайёрлайди ва катта қофозга ёзади

Барча иштирокчилар кичик гурухларга бўлингандан сўнг (5-6 киши) уларга муаммони ҳал этишнинг биттадан жиҳати ёзилган вароқ тарқатилади

10-15 дақиқа ичида гурухларда АХ ўтказилади ва үнинг натижалари вароқга ёзилади

Муаммони ҳал этишнинг таклиф қилинган фикрларини гурухлар намойиш этади

Фикрни жамоали баҳолаш

Муаммони ҳал этишнинг энг яхши фикрлари (вариантлари) танлаш ва қўйилган муаммо бўйича ягона фикрни шакллантириш



Үйлаб кўринг ва талабалар 100 фоиз ўқув машғулотларига қатнашиш муаммосини ҳал қилиш усулларини таклиф қилинг.

Қоидаларига асосланиб, ақлий хужум, сўнг таклиф этилган фикрларнинг тоифали шархини ўтказинг,

График ташкил этувчилар – муаммони ҳал қилиш усули

График ташкил этувчилар ёрдамида муаммони ҳал этиш жараёнининг тузилиши

1. Савол кўринишида муаммони ифодалаш



2. Муаммо сабабини қидириш

➔ «Нимага?»



3. Балиқ муаммоси майдонини аниқлаш

➔ «Скелет»



4. Муаммони ҳал этиш ёндашишларини белгилаш

➔ «Қандай?»



5. Муаммони ҳал қилиш усулларини

➔ «Каскад»

шакллантириш «Пирамида» ёки «Нилуфар гули»



Үйлаб кўринг, қандай қилиб талабалар 100 фоиз ўқув машғулотларига қатнашиш муаммосини ҳал қилиш мумкин?


Бунинг учун график ташкил этувчилар техникасидан фойдаланинг.

МУАММОНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ҒОЯНИ БАҲОЛАШ ВА ТАНЛАШ ТЕХНИКАСИ

Балли баҳолаши ва устувор фикрни танлаши техникаси

1. Ҳар бир иштирокчи 5 балл олади. У уларнинг ҳаммасини бирданига битта фикрга бериши ёки иккига (2:3, 1:4 ва бошқ.) ёки учга (2:1:2 ва бошқ.) ва шу каби бўлиши мумкин.


Ўз фикринг баҳоланмайди!




2. Ҳар бир фикр бўйича баллар қўшилади



3. Барча фирмалар битта узун вароқга ёзилади. Агарда фикр қайтарилса ёзилгани ёнида белги қўйилади



4. Фикрлар пасайиб борувчи баллар бўйича тақсимланади (масалан, 10 дан 1 гача). Энг кўп балл тўплаган фикр ютуб чиқади. Мунозарали ўолатларда овозга қўйилади



5. Иштирокчиларнинг танланган устивор фикри жамоа фикри шаклида ифодаланади

Кундалик техникаси – кўйилган муаммони ҳал этиш варианларидан узоқ муддат давомида ишланган ва чукур ўйланган энг яхисини баҳолаш ва танлаш имконини беради, кўйидаги харакатлар алгоритмига мувофиқ

Ўрганувчиларнинг ҳар бири, масалан бир ҳафта ичида, кўйилган муаммони ҳал этиш бўйича барча фикрларни ёзув дафтарчасига киритиб боради

Гурӯҳ раҳбари билан якка тартибдаги музокара пайтида барча нуқтai назарлар аниқланади ва қатъий тасдиқлашлар бартараф этилади

Гурӯҳда музокара этиш учун “ўртача” фикр тақдим этилади ва гурӯҳ ишини тақдим этиш учун тайёргарликлар кўрилади

Ўқув машғулотида гурӯҳлар натижалари тақдим этилади ва мухокама қилинади, муаммо бўйича жамoa фикри, аник оқилона тақлифлар ишлаб чиқилади

6-6 техникаси

- Кўйилган муаммони ҳал этиш бўйича жамoa томонидан ифодаланган варианлардан энг яхиси баҳоланади ва танланади, кейин кўйидаги харакатлар алгоритмга мувофиқ маълум белгилар бўйича гурӯҳланади

Мавжуд муаммони ҳал этишга кўмаклашувчи фикларни 6 кишидан иборат бўлган гурӯҳлар 6 минут давомида шакллантирадилар. Бунда ҳар бир иштирокчи алоҳида вароқда ўз фикрини акс этади

Гурӯҳда тайёrlанган рўйхатлар мухокамаси ўтказилади: аник хато фикрлар рад этилади, муроҳазалилари аниқлаштирилади, энг зарурлари танланади; кейин фикрларни тизимлаштириш имконини берувчи белгилар аниқланади ва улар бўйича танланган фикрлар гурӯҳлаштирилади

Гурӯҳ натижалари тақдим эталади ва мухокама қилинади, тақдим этилган муаммони ҳал этиш бўйича аник тизимлаштирилган оқилона тақлифлар ишлаб чиқилади


Пинборд техникаси (инглиз тилидаги *pin* – ёпиштиromoқ, *board* – доска) – муаммони ҳал этиш бўйича ғояларни тизимлаштириш ва гурухлаштириш ва ягона нуқтаи назарни ишлаб чиқиш имконини беради

Ўқитувчи тақдим этилган муаммони ҳал этиш бўйича талабаларга ўз нуқтаи назарини ифодалашни таклиф этади. Ақлий хужум бошланишини рағбатлантиради

Энг мақбул, самарали ғоялар тақдим этилади, муҳокама қилинади, баҳоланади, танланади ва улар варакда хулоса кўринишида (2 сўздан ортиқ бўлмаган) ёзилади ва доскага ёпиштирилади

Ўқитувчи томонидан тайёрланган асистентлар доскага чиқади ва бошқалар билан маслаҳатлашиб:

- Аниқ хато ва тақрорланувчи ғояларни олиб ташлайдилар
- Музокарали ғояларни аниқлайдилар
- Ғояларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларни аниқлайдилар
- Ушбу белгилар бўйича барча ғоялар гурухлаштирилади (карточкаларда, варакларда)
- Чизиқлар ва бошқа белгилар билан уларнинг мутаносиблигини кўрсатадилар: ягона жамоали ёки қарама-қарши нуқтаи назар ишлаб чиқилади



Альтернатив ғояларни баҳолашнинг жамлама вараги (намуна)

И	Альтернатив ғоялар											
	1			2			3			n		
	Д	Б	К	Д	Б	К	Д	Б	К	Д	Б	К
а	1	2	2	3	4	12						
б	2	2	4	3	6	18						
в	4	6	24	1	2	2						
n												
ЖАМИ			30			32						

Бунда: – муҳокама иштирокчилари фамилияси;

Д – даражали баҳо (1-чи ўриндан – энг муҳим таклиф, n охирги ўрингача – муҳимлиги кам, иккиласмчи таклиф);

Б – альтернативларни баҳолаш, балларда (1 – юқори балл, 10 – энг кам балл);

К – Д * Б кўпайтириш.



Куйидаги ўқув топширигини бажариш учун 5 та гуруҳ ташкил этинглар:

1. Мустақил хоҳлаган шаклда ўз фикрингиз бўйича муаммони ҳал қилишнинг устувор ғоясини баҳолаш ва танлаш техникалардан бирига (сизнинг гуруҳингиз рақамига мувофиқ) муносиб тавсиф ва белгиларни ёзинг:

- (1) Балли баҳолаш техникаси
- (2) Кундалик техникаси
- (3) 6–6 техникаси
- (4) Пинборд
- (5) Дельфи

2. Гуруҳда бирлашиб ёзилганни муҳокама қилинг ва ушбу техникани аниқ бир мисолда амалий қўлланилишини тушунтириб беринг.


3. Сиз бешта техникалардан қайси бирини маъқул деб топасиз? Ўз жавобингизни асослаб беринг.

4. Ушбу мавзу бўйича гуруҳ билимини акс этадиган кўргазмали тақдимотни расмийлаштиринг.

5. Ушбу мавзу бўйича бошқа гурухлар аъзоларининг билимини текшириш учун саволларни тайёрланг.

АМАЛИЙ ВАЗИЯТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УСЛУБЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ: КЕЙС-СТАДИ

7



- ❖ **Ўқув амалий вазият: тушунчаси ва мақсади**
- ❖ Амалий вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этишнинг йўлланма кўрсатувчи чизмаси
- ❖ Амалий вазиятнинг босқичма-босқич таҳлил қилиш ва ечиш йўриқномаси
- ❖ Амалий вазиятни таҳлил қилиш қоидалари

АМАЛИЙ ВАЗИЯТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УСЛУБЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ: КЕЙС-СТАДИ



Мазкур боб амалий ҳолатларни ечиши услуглари ва воситаларига бағишиланган. Сиз янги тушунча билан танишасиз: кейс-стади, кейс түзилмаси, амалий вазиятни таҳлил қилиши ва ечишига мұлжасланган чизма.

Үқув амалий вазият: тушунчаси ва мақсади


- **Үқув вазият – кейс-стади** (ингл. case – йиғма, аниқ, амалий ҳолат, stadi-үқув) – үқув услуги бўлиб, у ташкилот, шахслар гурухи ёки алоҳида шахслар ҳаётидан олинган реал вазият
- ёки талабаларни муаммони аниқлаш ва уни мақсадга мувофиқ ечиш варианtlарини қидиришга йўналтирувчи, ташкилий ҳаётда вужудга келадиган муаммоларни акс эттирувчи ясама (сунъий) вазиятга асосланган.

Кейсда тавсифланган аниқ вазият ўрганишни воқеликка боғлаб қўяди: сизга муаммони ҳал этиш бўйича вазиятни таҳлил қилиш, таҳминларни шакллантириш, муаммоларни аниқлаш, қўшимча маълумотни йиғиш, таҳминларни аниқлаштириш ва аниқ қадамларни лойихалаштириш имконини беради.


Үқув услуги сифатида қуидагиларни таъминлайди:

- ўрганилган үқув мавзу, курси бўйича (назарий таълимдан сўнг) билимларни мустаҳкамлашни;
- муаммоларни таҳлил қилиш ва қарорларни якка тартибда ва гурухли қабул қилиш кўникмаларини эгаллашни;
- ижодий ва ўрганиш қобилиятлар, мантиқий фикрлаш, нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилиятларини ривожлантиришни;
- янгиликка, қарорларни мустақил қабул қилишга тайёргарликни;
- масъулдорлик, мустақиллик, коммуникативлик ва эмпатия, рефлексиянинг шаклланишини; үқув маълумотларини ўзлаштириш сифатини ўз текширишини (ўқув дастури якунида).

Кейс таркибий тузилмаси



Амалий вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этишнинг йўлланма кўрсатувчи чизмаси



Амалий вазиятни босқичма-босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш йўриқномаси

Босқичлар	Тавсиялар
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс билан танишинг: кейсда мавжуд вазият мақсадлари, қоидалари ва таҳлилини баҳолаш мезонлари, кейс тўғрисида ва ундаги ахборот ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун унинг мавжуд ахборот таъминоти билан. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг
2. Вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир бор диккат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Вазият тавсифида берилган далилларни санаб ўтинг ва қайсиси маълум ва қайсиси аниқластирилиши лозимлигини аниқланг
3. Асосий муаммо ва кичик муаммоларни аниқлаш	Вазиятни тавсифлашга ҳаракат қилинг. Моҳиятини ва икки даражалиларни аниқланг. Асосий муаммо нимадан иборат? Тақдим этилган вазиятда яна қандай муаммоларни кўрсатишингиз мумкин? Хулосаларни шакллантиринг – асосий муаммо ва унга бўйсинувчи кичик муаммоларни
4. Муаммо таҳлили	Ушбу муаммога алоқадар барча далилларни белгилаб қўйинг (вазиятдаги ҳаммаси унга тўғридан-тўғри боғлиқ эмас). Саволга жавоб беринг: Уни мазкур шароитда ечиш мумкинми? Муаммо кай даражада ҳал этилиши мумкинлигини аниқланг
5. Кўриб чиқилаётган вазиятнинг кучли ва ожиз томонлари таҳлили	SWOT-таҳлил ўtkazинг
6. Альтернатив қарорларни шакллантириш	Мазкур ҳолатда қабул қилиниши мумкин бўлган муаммонинг барча ечимларини ёзинг. Аниқланган муаммони ечишда қандай аҳлоқий, ҳукуқий ва маънавий қийинчиликлар пайдо бўлади? <i>Альтернативларни шакллантириши, таҳлил қилиши ва танлашида ўтилган ўқув материалларни иложи борича кенг қўллаши зарур</i>
Таклиф этилган альтернативаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш ва танлаш	Дельфи ёки Пинборд ёки бошқа усувлардан фойдаланинг
Амалий вазиятларни кўриб чиқиш якунлари бўйича қарорларни тайёрлаш	Қарорингизни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар рўйхатини ишлаб чиқинг. Диккат: <i>кўпгина оҳирги қарорлар уларни амалда қўллаши мумкин эмаслиги учун мувваффақиятсизdir</i>
Тақдимотни тайёрлаш	Иш натижалари ёзма равишда тақдим этилиши мумкин (агар ечим шахсий бўлса) ёки оғзаки равишда команда номидан бўлса (ишлашнинг гурухли шакли қўлланилганда) (гурух иштирокчилари ўргасида вазифаларни тақсимлаб плакатларни тайёрлаш)
Ўтказилган таҳлиллар натижалари тақдимоти	Тақдимот қодиларидан фойдаланинг, унинг “сирларини” унутманг
Ўқитувчи иштирокида чиқишларни мухокама қилиш ва ўтказилган таҳлилга якун ясаш	



Кейсда вазият тавсифи ва ахборот таъминоти **ҳар хил ҳажмда** бўлиши мумкин (бир варакдан бир нечта юз варакгача); таҳлил учун таклиф этилаётган вазиятлар тавсифида **деталлаштириш даражаси** ҳам турлича бўлиши мумкин; ахборот **кўплиги даражаси** ҳам ўзгариши мумкин – таҳлилга алоқаси бўлмаган маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Амалий вазиятни таҳлил қилиш қоидалари

- Таклиф этилаётган ахборотларни қўриб чиқишида адашманг улар орасидан энг зарурини белгиланг.
- Вазиятни тор истиқболда қўриб чиқманг: муаммо бирданига кичиклашиб ёки умуман ғойиб бўлиши мумкин.
- Ҳаракатлар режасини вазиятнинг таҳлили тугаллангандан ва муаммо аниқлагандан сўнг шакллантириинг.

ЛОЙИХАЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИ УСЛУБЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

8



- ❖ Ўқув фаолиятининг лойиҳалаштириш усули: тушунчаси, долзарблиги ва усул вазифалари
- ❖ Ўқув лойиҳалари турлари
 - ❖ Тадқиқот лойиҳаси
 - ❖ Танишув-таҳминий лойиҳа
 - ❖ Амалий мўлжалланган лойиҳа
- ❖ Ўқув лойиҳасини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиши, тақдим этиши ва баҳолаш жараёни
- ❖ Ўқув лойиҳасини босқичма-босқич бажариш йўриқномаси
- ❖ Ўқув лойиҳасини баҳолаш
- ❖ «MS PowerPoint»да ўқув лойиҳаси тақдимотини тайёрлаш бўйича йўриқнома

Лойиҳалаштириш фаолияти услублари ва воситалари



Ушибу боб олий таълим муассасаларида лойиҳалаштириши фаолиятининг услублари ва воситаларига бағишланган бўлиб, қўйидаги бўлимлардан иборат:

- ўқув фаолиятининг мазкур услуби тушунчалари ва долзарблиги
- лойиҳаларнинг турлари ва турланиши белгилари
- MS PowerPoint да бажарилган лойиҳаларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Ўқув фаолиятининг лойиҳалаштириш усули: тушунчалар, долзарблиги ва усул вазифалари

- **Лойиҳалаштириш фаолияти** шундан иборатки, унда талабалар: Якка тартибда ёки гуруҳлар бўйича маълум вақтда (битта дарсдан 2-3 ойгача) берилган мавзуда ўқув, тадқиқот, конструкторлик ёки бошқа ишни бажарадилар.
- **Уларнинг вазифаси** – янги маҳсул олиш, илмий, иқтисодий ёки бошқа муаммони маълум вақтда ечиш.
- **Лойиҳалаштириш усули** – таълимнинг ҳар бир босқичида назария ва амалиёт ўртасидаги алоқаларни, академик билимлар ва прагматик маҳоратлар бирлашишини таъминловчи ўқув фаолиятидир.

Лойиҳани яратишда биттадан учтагача ўқувчи қатнашиши мумкин.

Ўқув фаолиятини лойиҳалаштириш усулининг вазифалари

Статья III. Лойиҳалаштириш усулининг режалаштирилаётган ўқув натижалари

Ўқишида фаоллигини намоён этишади

Мустақил ва ижодий фикрлашади

Ўз билимларини қуради ва ахборот мухитида ўзини йўқотмайди

Тадқиқотлар, экспериментлар ва таҳлиллар қилишади

Сабаб-оқибат алоқаларини ўрнатишади

Ҳар хил соҳалардан билимларни жалб қилган ҳолда муаммоларни топишади ва ечишади

Қарорларни мустақил қабул қилишади ва фаолияти натижалари бўйича масъулдорликни ўз бўйнига олишади

Команда бўлиб ишлашади

Ўз камчиликлари учун жавоб беришади

Ўз фаолияти натижаларини таҳлил қилишади, ўз ютуқлари ва камчиликларини аниқлашади, вужудга келган қийинчиликлар сабаларини қидиришади, хатоларни тузатиш йўлларини топишади


Берилган танлаш хуқуқидан фойдаланган ҳолда ўз фикрлари ва таҳминларини билдиришади

Қарор варианtlарининг натижалари ва эҳтимолли оқибатларини башорат қилишади

Ҳар хил нуқтаи назарни жамоали мухокама қилишда қатнашади

Бунинг барчасига ўрганишингиз зарур!

ҮҚУВ ЛОЙИХАЛАРИ ТУРЛАРИ



***Тадқиқот лойиҳаси: тавсифий
хусусиятлар, амалга ошириш технологияси***

Лойиҳаларнинг ушбу тури илмий тадқиқот мантиғига
бўйсуниб ҳақиқий илмий тадқиқот тизимга ўхшаш
ёки айнан шундай тузилмага эга



- 1.1. Тадқиқот мавзусининг долзарблигини асослаш
1.2. Тадқиқот муаммосини, унинг предмети ва объектини шакллантириш
1.3. Қарор таҳминини олдинга суриш
1.4. Тадқиқот вазифаларини белгилаш
1.5. Маълумотлар манбаларини аниклаш
1.6. Тадқиқот усууларини танлаш

II. Бажзарии босқиччи


- 2.1. Тадқиқотни амалга ошириш
2.2. Хуносалар
2.3. Тадқиқот натижаларини безаш, уни янада ривожлантириш учун янги муаммоларни белгилаш

III. Натижса босқиччи

- 3.1. Олинган натижаларни тақдим этиш ва муҳокама қилиш
3.2. Лойиҳанинг ташқи (эксперт) баҳоси


Танишув-таҳминий (маълумотли) лойиҳа: тавсифий хусусиятлар, амалга ошириш технологияси

Лойиҳаларнинг ушбу тури бошидан маълум бир обьект ёки ҳодиса тўғрисидаги маълумотларни тўплашга йўналтирилган; лойиҳа иштирокчиларини ушбу маълумотлар, унинг таҳлили ва далилларни умумлаштириш билан таништириш кўзда тутилган. Бундай лойиҳалар тадқиқот лойиҳаларига интеграциялашади ва уларнинг органик қисми, модули бўлиб қолади



Амалий-мўлжалланган (амалий) лойиҳа: тавсифий хусусиятлари, амалга ошириш технологияси

Ушбу лойиҳалар унинг иштирокчилари фаолияти натижалари бошланишидан аниқ белгиланганлиги билан ажралиб туради. Натижалар қўйидагилар бўлиши мумкин: ҳаракатлар дастури; тавсиялар; маълумотнома материаллари; қандайдир ҳодисани (масалан, иқтисодий) далилли тушунтиришлар; қандайдир маҳсулот (буюм) лойиҳаси ва маҳсулот (буюм)нинг ўзи ва бошқалар



- 1.1. Муаммони қидириш
- 1.2. Лойиҳалаштириш фаолияти натижаларига бўлган муайян эҳтиёжни аниқлаш
- 1.3. Мақсадни белгилаш: аниқ вазифаларни белгилаш ва уларнинг натижаларини шакллантириш
- 1.4. Мазкур маҳсулотни тайёрлашда асосий ўлчам ва чекловларни ўрнатиш
- 1.5. Анъана, тарих, тайёрлаш тенденцияларини аниқлаш
- 1.6. Материал, восита ва жиҳозларни танлаш
- 1.7. Ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш
- 1.8. Иқтисодий ва экологик асослаш

II. Бажарув босқичи

- 2.1. Технология операцияларини бажариш

III. Натижса босқичи

- 3.1. Тўғрилаш
- 3.2. Назорат, синаш
- 3.3. Реклама
- 3.4. Иш натижаларини безаш
- 3.5. Ўзини-ўзи баҳолаш
- 3.6. Лойиҳа тақдимоти ва ҳимояси
- 3.7. Ташқи баҳолаш

ҮҚУВ ЛОЙИХАСИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ, ИШЛАБ ЧИҚИШ, ТАҚДИМОТ ЭТИШ ВА БАҲОЛАШ ЖАРАЁНИ

Лойиҳа фаолиятини босқичма-босқич бажариш йўриқномаси

Тайёрлов босқичи

1.1. Сизнинг фикрингизча долзарб бўлган лойиҳа иши мавзусини танланг

1.2. Танланган мавзунинг долзарблилигини асосланг (бир вароқдан ортиқ эмас)

1.3. Сиз ҳал қилмоқчи бўлган муаммони ифодаланг (5-10 сўз билан)

1.4. Лойиҳангизнинг мақсадини аниқланг: у нима учун тузилган, якуний маҳсул қандай бўлади – ҳисобот, бинес-режа, кейс ва бошқалар ва кимга йўналтирилган (1-3 гап билан)

1.5. Лойиҳангиз бўйича маълумотлар билан танишинг. Маълумот манбалари: нашрлар, фуқаролар интервьюси, Интернет (Реферат 5-10 вароқда)


1.6. Лойиҳадаги муаммо ҳозирда қандай ҳал этилаётганлиги, мавжуд ҳал этиш усулларининг камчилик ва афзалликлари тўғрисида қисқача тушунтириш беринг (бир вароқдан кўп эмас)

1.7. Лойиҳани қандай ҳал қилишингиз ва мавжуд ҳал этиш усулларига нисбатан сизнинг лойиҳангизнинг камчилик ва афзалликлари тўғрисида қисқача тушунтириш беринг (5-7 гап)

1.8. Вазифаларни аниқланг

1.9. Уларни амалга ошириш услублари ва воситаларини танланг







Тақдимот қоидалари:

- Тақдимот ўзини ўзи тақдимот қилишидан-лойиха ижрочиларини таништиришидан бошланади: «Мен, ... ».
- Нутқ сўзловчилар регламентга риоя қилишади. Тақдимотнинг умумий давомийлиги энг ками 7-10 дақиқа ва узоги билан 25 дақиқа.
- Тақдимот давомида гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларнинг аниқ тақсимоти ва ҳаракатларнинг келишилганлиги бўлиши керак.
- Маълумотлар график кўринишда ва изоҳланган бўлиши керак (чизмалар, жадваллар, графиклар ва бошқалар).
- Тақдимот давомида беадаб ибораларни қўллаши тақиқланади.

Лойихани баҳолаш

Гуруҳ жавоби битта умумий баҳоланади ёки талабалар томонидан бажарилган лойиханинг алоҳида қисмлари баҳоланади.

Ўқув лойихасининг кўрсаткичлари ва мезонлари

№	Кўрсаткичлар	Баҳолаш мезонлари
1	Йўриқномага расман риоя қилиш	0-лойиха йўриқноманинг 10 тадан кам бандига мувофиқдир 1-лойиха йўриқноманинг 10-16 та бандига мувофиқ 2-лойиха йўриқноманинг 17 та бандига мувофиқ
2	Танланган лойиха мавзусининг долзарбилиги	0-мавзу долзарбилиги исботланмайди 1-мавзу долзарбилиги баёний 2-мавзу долзарбилиги исботланган, асослар келтирилган
3	Лойиха мазмунининг мақсад ва хулосаларга мувофиқлиги	0-лойиха мақсадлари мазмуни ва хулосаларга номувофиқ 1- лойиха мақсадлари ва мазмуни ёки мазмуни ва хулосалари ёки мақсадлари ва хулосалари ўртасида тўлиқ мувофиқлик мавжуд эмас 2 – лойиха мазмуни унинг мақсад ва хулосаларига мувофиқдир
4	Муаммони ечишда муаллифлик даражаси	0-шахсий таклифлар мавжуд эмас 1- муаммони ечиш бўйича таклифлар расмий варианtlарнинг интеграцияси; 2- муаммони ҳал этишнинг муаллиф версияси ишлаб чиқилган
5	Лойиха материалининг тақдим этилиши оригиналлиги	0-лойиха маълумотлари таъсирили эмас 1-лойиха материали оригинал тарзда тақдим этилган, аммо материални тақдим этиш шакли мазмунга мувофиқ эмас 2- лойиха материали оригинал тарзда тақдим этилган, материални тақдим этиш шакли мазмунга мувофиқ
6	Лойихани ҳимоя қилиш	1-лойиха тақдимотда иштирок этувчиларнинг қизиқишини уйғотмайди 2-лойиха тақдимоти эътиборни жалб этади лекин муаммони ҳал этишга қизиқиши уйғотмайди 3-оммавий ҳимоя қилиш муаммони ҳал этишга иштирокчиларнинг эътиборини тортади ва уларда қизиқиши уйғотади

«5» баҳо, агар талаба 10–12 балл тўпласа қўйилади

«4» баҳо, агар талаба 7-9 балл тўпласа қўйилади

«3» баҳо, агар талаба 4-6 балл тўпласа қўйилади

«2» баҳо, агар талаба 4 баллдан кам тўпласа қўйилади

MS PowerPoint да лойиҳа тақдимотини тайёрлаш бўйича йўриқнома

1. MS PowerPoint да тақдимотни тузиш жараёни қўйидаги ҳаракатлардан иборат:

- *Тақдимотни умумий бежсаини танлаш*
- *Слайдларнинг мазмуний ўлчамларини танлаш*
- *Янги слайдни ва унинг маркибий қисмларини қўшиш*
- *Слайд ўлчамларини танлаш*
- *Слайдларни безашда зарур бўлган ўзгаришилар*
- *Слайдларни кўрсатишда товушили анимация жиҳатларини яратиш*



Тақдимотни яратиш жараёнида Microsoft PowerPoint га илова бўлган маълумотнома (электрон ўқув қўлланма ёки нашрий ўқув қўлланма)дан фойдаланиши мумкин.

2. Тақдимот қўйидаги тавсифларга эга бўлиши керак:

- *Слайдлар сони (7 – 10 ta).*
- *Слайдларнинг мазмуний ўлчамлари:*

(1) биринчи слайд чиқарувчи ташкилот (факультет, кафедра) номи, лойиҳа номи, лойиҳа муаллифларининг фамилиялари, исми, ўқув гурӯҳи рақами, лойхани тузиш санасидан иборат;

(2) охирги слайд маълумотлар манбалари тавсифига бағишлиланган;

(3) қолган слайдлар лойиҳа мазмунини эркин шаклда ифодалайди.

- *Техник бажарилиши:*

Слайдлар автокўриниш тартибида ёки сичқонча ёрдамида намойиш этилади.

Энг камида 3 та анимация жиҳатлари ва 1 та овоз жиҳатидан фойдаланилади.

Ҳар бир слайд биринчи варакга қайтиш тутгачасига эга.

Камида иккита слайддан Word хужжатларига ҳавола қилиш имконига эга.



Талаба ўқитувчига оралиқ натижаларни камида икки марта кўрсатади.

Microsoft PowerPoint да ўқув лойиҳаси тақдимотини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

№	Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
1	Тақдимотни умумий безашни танлаш лойиҳа номи ва мазмунига мувофиқ	0 – тақдимотда лойиҳа номи йўқ. Тақдимотни умумий безашни танлаш лойиҳа номи ва мазмунига номувофиқ. Лойиҳаларни безашда ягона услуб мавжуд эмас 1 – тақдимотда лойиҳа номи бор, аммо мазмун ва безаш усули бир бирига номувофиқ 2 – тақдимотни безаш лойиҳа номи ва мазмунига мос. Барча слайдлар ягона усулда бажарилган
2	Тақдимотни тўғрилашни билиш	0 – талаба тайёр тадқимотга ўзгартириш кирита олмайди 1 – талаба ўқитувчи кўмагида янги слайдларни қўшади ёки безалишини ўзгартира олади 2 – талаба мустақил тарзда янги слайдларни қўшади ёки безалишини ўзгартира олади
3	Слайдларни намойиш этишда товуш ва анимация жиҳатларини яратса олиш	0 – анимация таассуротлари йўқ; 1 –анимация ва товуш таассуротлари фақатгина слайдлар алмашишида ишлатилади 2 – анимация ва товуш таассуротлари слайдлар алмашишида ва бошқа алоҳида қисмларда ишлатилади
4	Мусикадан фойдаланиш	0 – мусиқа йўқ 1 – мусиқа бир марта ишлатилган 2 – мусиқа слайдлар намойиши давомида мавжуд
5	Тақдимотнинг эстетика таассуротлари	0 – тингловчиларнинг кўпчилиги муаллифда эстетик диди йўқлигини белгилашади 1-баъзи слайдлар яхши эстетик таассуротга эга 2 – бутун тақдимот ягона усулда яратилган ва слайд-фильм сифатида тақдим этилган
6	Архив учун лойиҳа материаллари	0 – лойиҳа материаллари архивга топширилмаган 1 – тақдимотнинг электрон материаллари архивлаштирилмаган кўринишда топширилган 2 – тақдимотнинг электрон материаллари асл кўринишда ва архивлаштирилган кўринишда топширилган

«5» баҳо, агар талаба 10 – 12 балл тўпласа қўйилади

«4» баҳо, агар талаба 7-9 балл тўпласа қўйилади

«3» баҳо, агар талаба 4-6 балл тўпласа қўйилади

«2» баҳо, агар талаба 4 баллдан кам тўпласа қўйилади

Лойиҳани йўриқнома асосида бажариб талаба:

- *Ўз фаолиятини мустақил равишида режсалаштиради*
- *Маълумотларни танлаш ва тақдим этишини ўрганади*
- *Оралиқ натижаларни лойиҳани баҳолаши мезонлари билан солиштиради*
- *Қўшимча ишлов ва маслаҳатларни талаб этувчи саволларни мустақил равишида аниқлайди*
 - *Аниқ масалани ҳал этишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши кўникмаларига эга бўлади*
 - *Боишқа талабаларни ўқитишида қўлланиши мумкин ёки ишлаб чиқариш фаолиятида асос сифатида ишлатилиши мумкин бўлган интеллектуал меҳнатнинг тугалланган маҳсулини мустақил равишида яратади*
 - *Тайёр ишни мустақил баҳолайди*



«Менинг оиласи шажараси» мавзусида лойиҳани бажаришга уриниб кўринг.

Лойиҳа фаолиятини тайёрлов босқичи билан чеклаш мумкин.

Баходир Ходиев, Людмила Голиш. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари (биринчи босқич талабаларига ёрдам тариқасида)

Компьютерная верстка: Н.Н.Хомидов

Заказ № 460 от 13.04.2010 Тираж 100шт.
Отпечатанно в ООО «QWERT PRINT»
г. Ташкент, ул. А. Навои, 21